



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ЎЗЛИДЕП

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

E-mail:
axborotXXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 17 май, пайшанба
20-(444)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ
11363 НАФАР O'ZLiDeP
АЪЗОСИНИНГ 5724 НАФАРИНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ «АГРАР СОҲАГА
ОИД ҚОНУНЛАР АСОСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-
ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАР
ҲОЛАТИ ҲАМДА УЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ ҲАКИДА»ГИ
АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

ИСЛОҲОТ



«АГРОБАНК» ОАТБНИНГ НАВОИЙ
ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН
ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИ
МОБАЙНИДА БАРЧА СОҲАЛАРГА 16
МЛРД. 997 МЛН. СЎМЛИК КРЕДИТЛАР
АЖРАТИЛДИ

БАНК ТИЗИМИ



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ПАРЛАМЕНТДА

Қонунчилик янада такомиллаштирилиши керак

Олий мажлис қонунчилик
палатасининг ағра ва сув
хўжалиги масалалари
қўмитаси томонидан
ўтказилган йиғилишда
Ўзбекистон Республикаси
кишлоқ ва сув хўжалиги
вазирининг «АГРАР СОҲАГА
ОИД ҚОНУНЛАР АСОСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-
ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАР
ҲОЛАТИ ҲАМДА УЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ ҲАКИДА»ГИ
АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ



Вазирликнинг мажлислар
залида Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатаси депутатлари, соҳа
мутахассислари, турли идора ва
ташкилотлар масъуллари иш-
тирокида ўтказилган сайёр йи-
ғилишда таъкидланганидек,
ушбу тadbирдан кўзда тутилган
асосий мақсад соҳага оид ҳу-
жатларни такомиллаштириш
орқали амалдаги қонунларга
ўзгартиш ва қўшимчалар кири-
тиш ёки янги қонун лойиҳа-
лари ишлаб чиқиш зарурати юза-
сидан амалий тақлиф ҳамда
тавсияларни умумлаштириш-
дан иборатдир.

2 >>>

О'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

Фарғона ҳудуди кенгайтирилади

О'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ
АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНинг «ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИНИНГ ФАРҒОНА
ШАҲРИ ВА ФАРҒОНА ТУМАНИ
ЧЕГАРАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ
ЛОЙИҲАСИНИ
МАЎҚУЛЛАДЛАР

Маълумки, Фарғона вилояти
умумий ер майдонининг 1,4 фо-
изини эгаллаган Фарғона шаҳ-
ри 1877 йилда ташкил топган
бўлиб, айни пайтда бу ерда 4
та олий ўқув юрти, 19 та касб-
хунар коллежи, 6 та академик
лицей, 41 та мактаб, 58 та боғ-
ча, 19 та касалхона, 44 та поли-
клиника, шунингдек, 13 йирик
саноат корхонаси ва кўплаб маъ-
мурий идоралар жойлашган.

О'ZLiDeP фракцияси аъзола-
рининг таъкидлашларича, Пре-
зидентининг 2011 йил 15
ноябрдаги «Фарғона шаҳар Бош
режасини амалга ошириш, иж-
тимоий ва транспорт-коммунал
инфраструктура объектларини
қуриш ва реконструкция қилиш
чора-tadbirlари тўғрисида»ги
қарори асосида шаҳарда кенг
кўламли бунёдкорлик ишлари
олиб бориляпти.

2 >>>



Сопик 30МР олган сурат

Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оилага

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНинг САНОАТ, ҚУРИЛИШ
ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Илмий-амалий конференци-
яда «Мамлакатимизда демокра-
тия ислохотларни янада чуқур-
лаштириш ва фуқаролик жами-
ятини ривожлантириш Концеп-
цияси» ғоялари асосида ишлаб
чиқилган мазкур қонуннинг куч-
га кириши иқтисодиётнинг тур-
ли йўналишларида оилавий
бизнесни ривожлантириш ор-

қали аҳолини фойдали меҳнат-
га жалб қилиш имкониятлари-
ни янада кенгайтиришга хиз-
мат қилиши алоҳида таъкидлан-
ди.

Қуйи палата депутатлари-
нинг фикрича, қонунда оилавий
корхона фақат юридик шахслар
томонидан ташкил этилиши
аниқ белгилаб қўйилган. Ана шу

хусусияти билан бундай корхо-
налар кичик тadbиркорлик
субъектлари қаторига киритил-
ди. Бу эса қонунчиликка муво-
фиқ, уларга кичик корхона ва
микрофирмаларга берилган
имтиёزلардан тўла фойдала-
ниш ҳуқуқини беради, дегани-
дир.

2 >>>

Янги қонун

«Хабеас корпус» институти

НОРМАЛАРИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА
ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА



Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'ZLiDeP фракцияси
аъзоси

Маълумки, инсон
ҳуқуқлари устувор-
лигини таъминлаш
ва уни ҳимоя қилиш
тизимини босқичма-
босқич ислох этиш
ва либераллашти-
риш, халқаро ҳуқуқ
нормаларини мил-
лий қонунчиликка им-
плементация қилиш-
га алоҳида эътибор
қаратилгани нати-
жасида Ўзбекистон
инсон ҳуқуқлари
оид умуминсоний
нормаларни рўйба
чиқариш йўлида да-

дил қадам ташлаётган
давлатлар сафидан му-
носиб ўрин эгаллади.
Инсон ҳуқуқлари со-
ҳасидаги миллий қонун-
чилик тизимининг ўзига
хос жиҳатларига тўхта-
лар эканмиз, энг аввало,
Ўзбекистонда халқаро
стандартларни миллий
қонунчилик ва ҳуқуқни
қўллаш амалиётига бо-
сқичма-босқич имплемен-
тация қилишнинг ўзига
хос модели яратилгани-
ни таъкидлаш жоиз.

Натижада инсоннинг
конституциявий ҳуқуқла-

ри ҳамда эркинликлари-
га риоя этилиши ва ин-
сон ҳуқуқлари оид хал-
қаро стандартларнинг
бажарилишини монито-
ринг қилишнинг миллий
тизими шаклланди. У
парламент мониторинги,
ижро этувчи органлар
мониторинги, суд моно-
торинги ва жамоатчилик
мониторинги шакллари-
да амалга оширилмоқда.

Шу ўринда турли ва-
зирлик ва идораларнинг
инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилишга оид фао-
лияти самарадорлиги-
ни ошириш мақсадида
Адлия, Ички ишлар ва-
зирлиги ва Бош проку-
ратурада инсон ҳуқуқла-
ри ҳимояси билан шу-
ғулланувчи махсус бош-
қармалар ташкил этил-
ди.

3 >>>

Бугунги сонда:

Қўшиб ёзиш санъати

ЭНГ МУҲИМИ,
УШБУ ТАКЛИФ
ИНОВАТГА
ОЛИНИБ, ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ
ЧУСТ ТУМАН
КЕНГАШИНИНГ
2011 ЙИЛ
16 ИЮНДА
46-8-4 СОНЛИ
ҚАРОРИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН.
АММО НЕГАДИР
МУҲБИР
УКАМИЗ
О'ZLiDePНИНГ
УШБУ
ТАШАББУСИ
ҲАМ ЎЗХДП
ДЕПУТАТЛИК
ГУРУҲИ
ТАШАББУСИ
СИФАТИДА
МАҚОЛАГА
Қўшиб қўйган.

4 >>>

Оқсаройда қабул

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ 16 МАЙ КУНИ ОҚСАРОЙДА
ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА)
ПРЕЗИДЕНТИ ЙОЗЕФ БЛАТТЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбари меҳмонни
юртимизга ташрифи билан қутлар
экан, Ўзбекистонда Йозеф Блаттер-
ни ўз ҳаётини жаҳон ва миллий фут-
болни ривожлантиришга бағишла-
ган таниқли жамоат арбоби сифа-
тида билишларини таъкидлади. Бу
— ФИФА раҳбарининг Ўзбекистон-
га учинчи ташрифи. Мазкур таш-
риф ўзбек футболининг 100 йилли-
ги нишонланаётган кунларга тўғри
келди.

Учрашувда Ўзбекистонда фут-
болни ривожлантириш истиқболла-
ри, мамлакатимизнинг ушбу нуфуз-
ли халқаро тузилма билан самара-
ли ҳамкорлигини янада мустаҳкам-
лаш ва кенгайтириш юзасидан фикр
алмашилди. «Гол», «Гол-2» ва «Гол-
3» лойиҳаларининг амалга оширил-
гани шундай ҳамкорликнинг нати-
жаларидандир. Ушбу лойиҳаларга
мувофиқ Тошкент шаҳрида сунъий
қопламали футбол майдони ва мам-
лакатимиз ўсмирлар терма жамоа-
ларининг ўқув-машқ базаси қурил-
ди, Самарқанд шаҳрида эса мини-
футбол учун ёпиқ манеж барпо этил-
моқда. Ўзбекистон болалар-ўсмир-
лар футболлини, рефери ва мураб-
бийларнинг миллий мактабини ри-
вожлантириш борасида ҳам ФИФА
билан ҳамкорлик қилишдан манфа-
атдор. Бугунги кунда футбол

Ўзбекистонда энг оммавий спорт
турларидан бирига ва миллионлар
ўйинига айланган. Ушбу спорт тури
айниқса, ёш авлод ўртасида кенг
оммалашган. Давлатимиз томони-
дан футболни янада оммалашти-
ришга улкан эътибор ва ёрдам
кўрсатилмоқда. Бу маънавий ва
жисмоний баркамол авлодни тар-
биялашга доир сиёсатнинг муҳим
йўналишларидандир. 2011 йил 19
январда Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «2011–2013 йил-
ларда республикада футболнинг
моддий-техника базасини янада
мустаҳкамлаш ва уни ривожланти-
ришга доир қўшимча чора-tadbirlар
тўғрисида»ги қарори қабул
қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ
мамлакатимизда футбол инфрату-
зилмасини кенгайтириш ва ушбу
спорт турини тарғиб қилиш бора-
сидаги ишларни янада фаоллаш-
тиришга доир тadbirlарнинг ти-
зимли режаси тасдиқланди.

ФИФА раҳбари самимий қабул
учун Президентимиз Ислам Каримовга
миннатдорлик изҳор қилди ва мамла-
катимизнинг спорт соҳасидаги муваф-
фақиятларига, шу жумладан, Ўзбеки-
стон спортчиларининг жаҳон майдонла-
ридаги улкан ютуқларига юксак баҳо
берди.

ЎЗА

ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНБАИ

Биз ким эдик?

— 1989 йилнинг май ойида
ФАРҒОНА АҲЛИ КУЧСИЗ
ДАВЛАТНИНГ ЎЗ ФУҚАРОЛАРИНИ
ТУРЛИ ОФАТ ВА БАЛОЛАР
ГИРДОБИДА ҚОЛДИРИШИ
МУМКИНЛИГИГА ГУВОҲ
БЎЛГАНДИ. АЙНИҚСА,
ИПАКЧИЛАР ШАҲРИ — МАРҒИЛОН
КЎЧАЛАРИ ТАНКЛАР, БТРЛАРГА
ТЎЛИБ ТОШГАНИ, МИНСК
ШАҲРИДАН ЮБОРИЛГАН, ТИШ-
ТИРНОФИГАЧА ҚУРОЛЛАНГАН
МАХСУС ПОЛК АСКАРЛАРИ БАРЧА
ТАШКИЛОТЛАР, КЎЧА ВА
ХИЁБОНЛАРНИ НАЗОРАТГА
ОЛГАНИ ТЎҒИ КЕЧАГИДЕК ЎДИМДА.
КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ
ЭТИЛГАН ЎША КУНЛАРДА НОҲАҚ
КАЛТАКЛАНГАН ҚАРИЯЛАР ВА
ЁШЛАРНИ КЎРИБ, БУ ХАЛҚНИ
ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН БИРОН-БИР
МАРД ТОПИЛАРМИКАН, ДЕЯ ЎЗ-
ЎЗИМГА САВОЛ БЕРГАНДИМ

Мен ўшанда том
маънодаги кучсиз
давлатнинг ожиз
амалдорлари учун
оддий халқ ҳаёти,
тинчлиги бир чақ-
лик қийматга эга
эмаслигини кўрган-
ман. Президентимиз
Ислам Каримов-
нинг «Ўзбекистон
мустақилликка эри-

шиш оstonасида» асари-
ни қайта-қайта ўқиб, 9
май — Хотира ва қадр-
лаш кунига бағишланган
тантанали маросимдаги
мулоҳазаларини эши-
тиб, беихтиёр ўша воқе-
алар ёдимга тушди.

Айниқса, Президен-
тимизнинг бугунги шид-
датли замонда лоқайд ва
бепарво бўлмаслик, юр-

тимизда, минтақамизда,
ер юзидида содир бўлаёт-
ган воқеа-ходисаларга
дахлдор бўлиб, бошқа-
лар дardини ўзига яқин
олиб яшаш кераклиги
тўғрисидаги фикрлари-
дан ҳар биримиз жид-
дий хулосалар чиқармо-
ғимиз кераклигини яна
бир қарра англадим.

«Эй одамзот, кўзинг-
ни оч, атрофга бир қара,
кечаги тарихдан хулоса,
сабоқ чиқар! Бундай
бало-қазоларга қарши
ўз вақтида чора кўриш,
керак бўлса, бутун имко-
ниятларимизни уларга
қарши ишлатиш, турли
мамлакатлар, турли мил-
лат ва элатларнинг бир-
бирига қарама-қарши
туриб эмас, балки ўзаро
елкадош бўлиб, тил то-
пишиб, турли офатлар-
ни томири билан йўқ
қилишни бугун замон-
нинг ўзи талаб этмоқда.
Бунинг акъаю ягона йўли
шу. Буни бугун тушуниб,
англаб олмадик, эртага
кеч бўлади...». Бундай
сўзларни фақат буюқ
қалб эгаси, ўз халқи ва
Ватанига хизмат қилиш-
ни олий саодат, деб
билган кишигина айти-
ши мумкин...

3 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 15 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА
ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАТТЕРИЯ ҲИСОБИ,
статистик ва бошқа ҳисоботларни қўриштириш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар
ўтун хорижий валюталарнинг сўғта нисбатан қўйидаги қўйиматини белгилади:

* Валюта қўйиматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
мажбурий валюталарни ушбу қўйиматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	▲ 1868,30
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2996,52
1 Дания кронаси	▲ 323,47
1 БАА дирҳами	▲ 507,81

1 АКШ доллари	▲ 1865,13
1 Миср фунти	▲ 309,15
1 Исландия кронаси	▲ 14,75
1 Канада доллари	▲ 1864,76

1 Хитой юани	▲ 295,24
1 Малайзия ринггити	▲ 606,94
1 Польша злотийси	▲ 564,92
1 СДР	▲ 2866,76

1 Туркия лираси	▲ 1043,95
1 Швейцария франки	▲ 2001,86
1 ЕВРО	▲ 2419,35
1 Жанубий Корея вон	▲ 16,23

1 Япония иенаси	▲ 233,11
1 Россия рубли	▲ 61,80
1 Украина гривнаси	▲ 233,43



Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

Конференцияда O'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов сўзга чиқиб, янги қонунда оилавий корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият тури, иштирокчилар сони, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиблари аниқ белгиланганини таъкидлади. Қонунга асосан, оилавий корхона оила аъзолари томонидан шахсий меҳнат иштироки мажбурияти ҳамда тадбиркорлик муомаласига жалб этилган умумий мол-мулк ёки мулкий улуш рўйхати кўрсатилган ҳолда тузиладиган таъсис шартномаси асосида ташкил этилади. Бунда иштирокчилар хоҳишига кўра, таъсис шартномасида оилавий корхона фойдасини тақсимлаш шартлари белгиланиши мумкин. Ҳужжатда оилавий корхонани ташкил этиш учун бизнес субъекти иштирокчилари корхона устав фондини мустақил белгиллаши, лекин бу миқдор энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаслиги назарда тутилган. Бу эса оилавий корхонанинг бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ишлаши ва рақобат муҳитига бардош беришига кўмаклашади.

Шунингдек, анжуманда экспертлар ва ҳуқуқшунос олимлар сўзга чиқиб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг долзарблигига эътибор қаратдилар. Жумладан, юридик фанлари доктори, профессор Омонбой Оқйўловнинг фикрича, оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, қонунда халқ баддийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқарувчи оилавий корхоналар ягона солиқ тўловчини тўлашдан озод қилинган. Бундан ташқари, корхона фойдаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва солиққа тортилмайди. Айнан мана шу жиҳат бир неча минг йиллик анъаналар асосида фаолият кўрсатиб келаётган уста ва ҳунармандларнинг янада эркин фаолият юритишлари имкон яратди.

— Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати унда оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг низоъда соддалаштирилгани ва мустақкамланганидир, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова. — Рўйхатдан ўтказувчи органлар арiza берувчи оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни «уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас» деган ваҳ билан рад этиш ёки қонун ҳужжатлари-

да назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгиллашга ҳақли эмас. Айни ҳолда оилавий бизнес вакиллари ишлаб чиқараётган буюм ёки маҳсулотларга мустақил нарх белгиллаши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Қонунда, шунингдек, бизнеснинг янги шаклини ривожлантириш учун бир қатор қўшимча имтиёзлар белгиланган.

БУ БОРАДАГИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ КЎПЛАБ ЯНГИ ИШ ҲЎРНАЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИГА, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАР БИР ОИЛАНИНГ МУСТАҚКАМ БЎЛИШИГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТАДИ.

нини ҳам айтиш лозим. Хусусан, оилавий корхона оила яшаб турган турар жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини шу ернинг ўзида сотиши мумкин. Яъни, корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар-joyларни энди нотурар-joyларга ўтказиш талаб қилинмайди. Бундан ташқари, қонунда оилавий корхона турар-joyдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқарса (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Конференцияда сўзга чиққанлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши оилавий тадбиркорликнинг янада кенгайиши ва ривожланишига мустақкам замин яратишини таъкидладилар. Бу борадаги ҳуқуқий кафолатларнинг кучайиши эса пировардида кўплаб янги иш ҲЎРНАЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИГА, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАР БИР ОИЛАНИНГ МУСТАҚКАМ БЎЛИШИГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТАДИ.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий тадбиркорлик субъектлари ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам ва оиладаги барча аъзоларнинг масъуллиги тамойилига асосланади. Демак, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг кучга кириши кичик бизнеснинг янги шакли сифатида оилавий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунчилик янада такомиллаштирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ, «XXI ASR»

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Зафар Рўзиев ахборотида қайд этилишича, вазирликнинг асосий вазифалари қаторида қишлоқ ҳўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини амалга ошириш ҳам белгиланган. Шу маънода вазирлик қишлоқ ва сув ҳўжалигига оид ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда изчил ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда вазирлик Юридик бошқармаси соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги билан шуғулланмоқда.

Бошқарма томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қорвачилик соҳасини тартибга солувчи «Наслчилик тўғрисида» ва «Ветеринария тўғрисида»ги қонунларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва айрим қонун моддаларини бугунги кун қонунчилик техникасига мувофиқлаштириш лозим. Жумладан, «Наслчилик тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида белгиланган насли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш ҳамда 16-моддада белгиланган насли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиблари, шунингдек, наслдор ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Қонуннинг 24-моддасида наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши қайд этилган бўлса-да, бу борада Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва улар ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилганига ҳам эътибор қаратилди. Қўмита раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, бугун қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари 17 та қонун ҳамда улар асосида қабул қилинган 80 дан ортиқ қонунности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Қўмита аъзолари кейинги икки йилда ана шу қонунларнинг барча-



сини ҳуқуқий инвентаризациядан ўтказиб, уларга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича амалий тақлифлар тайёрладилар. Бунда уларнинг амалда тўлақонли қўлланиши ва ижро этилиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг пасайишига мутлақо йўл қўймаслик, ҳавола нормаларни кескин қайтайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўмита қошида тузилган экспертлар гуруҳи аъзоларининг фикрича, аграр соҳани тартибга солувчи қонунлар ва улар асосида қабул қилинган қонунности ҳужжатлари шу қадар кўпки, уларни биргана йиғилишда атрофлича муҳокама қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мавзунини жами 4 та, яъни «Қишлоқ ҳўжалигига иқтисодий ислохотларни амалга ошириш», «Деҳқончилик тармоғини тартибга солиш», «Қорвачиликни ривожлантириш» ва «Сув ҳўжалигини тартибга солиш» йўналишларида қабул қилинган қонун ва қонунности ҳужжатларини алоҳида-алоҳида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

— Ана шундан келиб чиқиб, қўмита эшитишда асосий эътиборни кейинги йилларда жадаллик билан ривожланаётган қорвачилик соҳасига доир меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш масаласига қаратдик, — деди М.Тешабоев. —

Бунда «Мамлакатда қорвачилик соҳасининг жадаллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сураётимиз. Бундан қўзлаган асосий мақсад мамлакат аҳолисини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган қоратдирлар ижросини таъминлашдан иборатдир.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига фермер ҳўжаликларида келиб тушган 20 дан ортиқ мурожаат ҳам қўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Жумладан, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Нурмат Ҳўжақулов» ва Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли туманидаги «Азлер баба» фермер ҳўжаликлари-нинг 2011 йилда етиштирилган пахта ҳосили учун тўлаш берилмаган пул маблағлари йиғилишда иштирок этган «Ўзпахта-саноат» мутасаддилари томонидан назорат қилинди.

Йиғилишда тақдим этилган ахборот ҳамда билдирилган амалий тақлифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

2012 ЙИЛ — МУСТАҚКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Ёш оилалар қўллаб-қувватланмоқда

Бердақ номидаги қоракалпоқ давлат унiversитетида «Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Оила — жамиятимиз таянчи» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Қоракалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, касбаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда талабалар ва ёш оилалар иштирок этди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оила институтини мустақкамлаш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, бу муқаддас тушунчани ёш авлод онгига чуқур синдириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тадбирда меҳнат фаолиятини бошлаган ва мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёш оилалар барқарор даромад манбаини шакллантириш ҳамда уй-жой ва бошқа қўллаб-қувватлаш шароитларини яхшилаш борасида юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА

Фарғона ҳудуди кенгайтирилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Бу эса айни пайтда Фарғона шаҳри ва тумани чегараларининг бир қисмини ўзгариштириш тақозо этмоқда.

Тақлиф этилаётган ўзгаришларга кўра, Фарғона шаҳрининг ер майдони 9472 гектардан 10004 гектарга кенгайиши, аҳолиси эса 253550 нафардан 258438 нафарга кўпайиши кутилмоқда. Шунингдек, Фарғона туманида жойлашган 3 та сайлов округидаги сайловчилар ҳам қисман Фарғона шаҳри ҳисобига ўтказилди.

— Бундай ўзгаришлар туфайли Фарғона шаҳри инфратузилмаси тумандан қўшилиётган ҳудудлар ҳисобига ягона тизимни ташкил этиб, транспорт алоқаси, тоза ичимлик сув ва табиий газ таъминоти яхшиланади, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Шунингдек, шаҳарнинг саноат салоҳияти билан туманда қишлоқ



ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини қўпайтириш имконияти кенгайди.

Кун тартибидеги масала муҳокамасидан кейин фракция аъзолари ушбу қарор лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан

киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция қарорлари қабул қилинди.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2012»

Мусобақага — катта мақсадлар билан

Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг яқинда Навоий вилоятида бошланадиган анъанавий «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақасига ҳиззахлик ёшлар ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақаларнинг умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» беллашувлари ҳам ёшлар ўртасида нуфузли спорт анжуманига айланди. Хозирги кунда Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар фаолиятига назар ташласак, уларнинг кўпчилиги дастлабки галабаларга «Умид ниҳоллари» мусобақаларида эришганини кўраимиз. Ушбу мусобақанинг саралаш беллашувларида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 70 минг нафарга яқин ўқувчиси иштирок этди. Ана шу мусобақалар ғолиблари орасидан 63 нафари вилоят терма жамоаси таркибига Навоийда ўтадиган «Умид ниҳоллари-2012» бахсларига тайёргарлик кўрмоқда. Улар спортнинг 10 тури бўйича вилоят марказидаги спорт мактабларида ташкил этилган ўқув марказларида маҳоратини оширмоқда.

— Мактабимизда спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд, — дейди Бахмал туманидаги 18-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Навбахор Бекназарова. — Мен енгил атлетика билан шуғулланаман. «Умид ниҳоллари-2012» мусобақасининг саралаш босқич беллашувларида биринчи ўринни эгалладим. Энди Навоийда ҳам ғолиб чиқиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқдам.

— Вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар томонидан мусобақага пухта тайёргарлик қириш учун барча шароитлар яратиб берилди, — дейди вилоят «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раиси ўринбосари Шавкат Мўминов. — Ўқувчиларимиз тайёргарлик доирасида бир қатор мусобақаларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришди. Бу галги «Умид ниҳоллари»га юқори ўринлардан бирини эгаллашни мақсад қилиб борамиз.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бозор — рақобат майдони

Қўп йиллар савдо соҳасида ишлаб келган Фуркат Зияев 2008 йилда «Самарқанд Пласт Полимер» масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Бунинг учун, аввало, корхона учун мўлжалланган замонавий бино қурилиб, хориждан янги ускуналар келтирилди. Бугун корхонада турли ҳажмдаги пластмасса идишлар: тоғора, челақ ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва богдорчиликка мослашган фермер ҳўжаликлари учун зарур яшиқлар ишлаб чиқарилмоқда. Йигирмага яқин ёшлар меҳнат қилаётган корхонада 2010 йилда 500 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 800 млн. сўмга етди.

— Бозор — рақобат майдони, — дейди тадбиркор Ф.Зияев. — Шу боисдан айни кунда мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, маҳсулот турларини янгиллаш борасида изланишлар олиб бораётимиз. Ўтган йилги ютуқларимиздан бири болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз бўлди. Бунинг учун хориждан 10дан ортиқ турдаги янги қолиплар олиб келдик. Ана шу қолиплар ёрдамида болалар учун кум солиб ўйнайдиган идишчалар жамланмаси тайёрлаётимиз.

Мухаббат Равшанова тайёрлади.

Биз ким эдик?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Миродил
АБДУРАҲМОНОВ**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Марғилон шаҳар бўлими раиси Ғуломжон Мадумаровнинг фикрлари истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда кучли давлат таъйинига қатъий амал қилинган бежиз бўлмаганини кўрсатади, албатта.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Нодира Каримованинг таъкидлашича, яқин ўтмишимизда содир бўлган воқеа-ходисалар, ўзбек халқининг номини ёмонотлиққа чиқаришга уринишларга айнаган ўша давр раҳбарларининг оқибатига йўл очиб берган.

Ушанда Президентимиз Фарғона воқеаларига муносабат билдириб, «Бу воқеаларга ту туруқсиз ва гаврали мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради», деган эдилар. Ана шундай илиқ, кишиларнинг вайрон бўлган дилини кўтаридиган сўзларгина халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаган эди. Шунинг учун ҳам биз «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг маъно-мазмунини, аҳамиятини ёшларимизга кўпроқ тушунтиришимиз лозим, деб ўйлайман. Токи, янги авлод вакиллари бугунги кунларга осонликча эришмаганимизни, мустақиллик бизга инъом этилмаганини англаб етсинлар.

— Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги фикрлари бирон-бир юртдошимизни бефари қолдирмади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдужаббор Хусанов. — Бугун она юртимиз мустақиллигининг бебаҳо неъматларидан баҳраманд навқирон авлод вакиллари билан мулоқотда бўлиб, ёшлигимиз ўтган шўролар давридаги ҳолат кўз олдимда намоён бўлади.

Бугунги авлодимиз қиёфа-

сидаги бахтиёрликни, улардаги интилиш ва изланишни, тегарлилик ва салоҳиятни кўриб, эзгу мақсадлар барори учун муҳайё қилиб қўйилган беназир шарт-шароитларга боқиб ким хавас қилмайди, ким қувонмайди?!

Буларнинг барчаси Муста-

эришиш остонасида» асари турли соҳа кишилари томонидан жиддий ўрганилаётгани бежиз эмас.

Чунки XXI асрнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ходисалар, уларни ҳолислик мезони асосида баҳолаш ва

БУ ФИКРЛАР БУНДАН 22 ЙИЛ АВВАЛ

— СОБИҚ ИТТИФОҚ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЖАЗАВАСИ АЙНИ ҚАЙНАГАН ПАЙТЛАРДА АЙТИЛГАН ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗ ҲАЁТИНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙИБ БЎЛСА-ДА, МАМЛАКАТНИ ИСТИҚЛОЛГА ДАЪВАТ ЭТА БОШЛАГАНИНИ КЎРСАТАДИ.

қилигимиз шарофати, тинч ва бунёдкор турмушимиз билан ифодаланади. Ёшлар билан мулоқотда бўлганда она-Ватанимиз истиқлоли қандай қилиб қўлга киритилгани, Юртбошимизнинг бу тарихий кураш йўлидаги жасорати ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарини шу маънода ҳам зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Кўз олдимда ўша алғов-далғовли давр воқеалари бирма-бир жонланди. Жонландигина эмас, бу тарихий асарнинг, айниқса, ёшларимиз учун Мустақилликнинг тўб моҳиятини англаб етишларида, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш ва авайлаб-асрашда, истиқболдаги орзу-ниятлар йўлида янаям шаҳдамроқ одимлашда гоёат муҳим аҳамият касб этишдан беҳад қувондим.

Бу асардан жой олган маъруза-чиқишлар замирида она-Ватан ва унинг истиқлолига сadoқат ҳамда фидойилик, элу юртининг бахту саодати учун ҳар қандай захмат-машаққатларга, синовларга доимо шайлиқ туйғуси, бутун ҳаётини ана шу юрт истиқболи билан боғлиқ эзгу ишларга бағишлаган буюк Инсоннинг бедор қалби нафасини туямиз...

Ҳа, чиндан ҳам Президентимизнинг мамлакатимизда янги тарихи остонасида юз берган ва халқимизнинг фожеаларга тўла ўтмишини акс эттирган «Ўзбекистон мустақилликка

она юртимизда кечаётган бугунги ўзгаришлар моҳиятини тўла англаш учун ана шундай ишончли манбага эҳтиёж катта эди. Асардаги нутқ ва маърузалар, ўшандай қалтис бир пайтда имзо чекилган қатор ҳужжатларни таҳлил этиб, 20 йил аввал аслида ким бўлганимизни, қандай таҳликали даврда яшаганимизни, биргина хато тўғрисида яна бир неча ўн йиллар мобайнида истибод қишланганда қилиб кетишимиз мумкинлигини ҳис этиш мумкин. Айни пайтда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ходисалар эса баъзи бир давлатларда тарихни қайта кўриб чиқиш, уни бугунги кунда пайдо бўлаётган глобал ўзгаришларга мослаш илинжида талқин қилишга қаратилган ҳаракатлар кучаяётганини ҳам кўрсатмоқда.

Яқинда собиқ иттифоқ давлатларининг бирида чоп этиладиган нуфузли нашрда мамлакатнинг 1991 ва 2011 йилларидаги даври таҳлил қилинган мақола эълон қилинди. Унда иттифоқ парчаланганидан кейин унинг ҳудудидида пайдо бўлган аксарият мамлакатларнинг ҳали-ҳануз ўз йўлини топа олмаётгани, иқтисодий танглик оқибатида юзга келаётган муаммолар оддий халқ турмуш шароитини тобора оғирлаштираётгани ҳақида фикр юритилади.

— Мана, 20 йилдики, биз янги мамлакатда яшаётимиз, — деб ёзади, муаллиф. — Аммо ҳалигача қайқа бораётганимизни, энг кўрқинчлиси — ана

шу даврда улғайган ёшларга келажакимиз қандай бўлишини айтиб беролмаямиз. Келажак қандай бўлишини билмаслик эса бизни бошқа мамлакатлардан ажратиб турадиган асосий фарқдир. Баски, кўз олдимизда эртанги кунимиз қиёфаси йўқми, демак биз яшаётган маконни ҳали давлат дейишга эрта...

— Минг шукурки, бугун она Ўзбекистонимизда бир неча ўн йилларга мўлжалланган улкан режалар, йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари истиқлол неъматидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Абдуллаева. — Кеча ва бугунни қиёслаш, тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига етиш учун эса ҳеч қачон ўтган кунларни ёддан чиқармаслигимиз керак. Зеро, бундан 20 йил муқаддам Ўзбекистон очлик ва фуқаролар уруши остонасида бўлганини, кескин вазиятларга қарамай, тўғри танланган йўл, қатъиятли қарорлар туфайлигина Ўзбекистон халқи аянчли бўҳрондан беталфот чиққанини йиллар ўтгани сайин чуқурроқ англаб етти.

Шу ўринда Президентимизнинг 1990 йилнинг 5 июнида Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида «Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити — Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш» деган гапларини эслаш ўринлидек туюлади.

Бу фикрлар бундан 22 йил аввал — собиқ иттифоқ раҳбарларининг жазаваси айна қайнаган пайтларда айтилгани Ислом Каримовнинг ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, мамлакатни истиқлолга даъват эта бошлаганини кўрсатади.

Демак, биз дунёда ва ён атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ходисалардан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак...

Президентимиз асари шу маънода ҳам истиқлол тарихининг энг ишончли манбаи сифатида тилга олинмоқда.

Янги қонун



«Хабеас корпус» институтини

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Адвокатура институти таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан эса инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган «Хабеас корпус» институти нормаларини миллий қонунчиликка янада изчил таъбиқ этиш ҳамда қўллаш имкониятлари кенгайди.

Маълумки, «Судлар тўғрисида»ги қонунга кўра, Конституция ва бошқа қонунларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қороналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўрилган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш белгиланган.

Шу маънода, парламентда қизғин муҳокама қилинаётган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, авваламбор, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмининг такомиллаштириш соҳасидаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, ушбу йўналишда халқаро шартномаларда белгиланган мажбуриятларнинг изчиллик билан бажарилаётганининг тасдиғи ҳамдир.

Қонун лойиҳасида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини судлар томонидан кўриб чиқиш тартибига ўхшаш айланувчиги, судланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судлар томонидан кўриш тартиби кўзда тутилган.

Айланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги айрим процессуал-мажбурият чораларини қўллаш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ чораларни фақат мустақил ва ҳолис суд органлари томонидан қўллашнинг таъминлашнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлайди.

Бу норма эса жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш бўйича бир-бирига боғлиқ масалаларни ҳал қилишга хизмат қилади. Айни пайтда

фуқароларнинг эркинликка ва шахсий дахлсизликка оид ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ чораларни фақат мустақил, бегараз ва ҳолис атрибутларга эга орган томонидан қўлланишини таъминлайди.

Юртбошимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида илгари сурилган яна бир муҳим қонунчилик ташаббуси бу — Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят ишлари қўзғатишга доир ваколатини чиқариш билан боғлиқдир. Ушбу қонун лойиҳасидан қўзланган асосий мақсад — суднинг вазифаси жиноят ишлари қўзғатиш эмас, балки одил судловни амалга оширишдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, суд мажлисида тарафларнинг, яъни айблов ва ҳимоянинг тенглиги принципи муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар фаолияти ўзаро тортишув асосида адолатни рўйбга чиқаришга қаратилган. Бирок жиноят процессига оид суд мажлисида ҳар доим ҳам давлат айбловчиси иштирок этмаётган бўлиши шунинг учун айблов ҳулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Суд мажлисида давлат айбловчисининг иштирок этмаслиги ҳолатлари эса суднинг вазифа ва мақсадларига, шунингдек, қўриқда қайд этилган халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келмайди.

Жиноят-процессуал қонунчилигига янги норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразчилигини таъминлашга, шунингдек, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга прокурор томонидан айблов ҳулосасининг ўқиб эшиттирилиши, давлат айбловчиси томонидан исбот қилиш функциясининг реал амалга оширилиши суднинг ҳолислиги ва бегаразчилигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, жиноят ишлари кўришда биринчи инстанция судида давлат айбловчисининг иштирок этиши ва унга айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини юкловчи амалий механизмнинг яратилиши томонларнинг тортишувлик принципини амалга ошириши, прокурор томонидан суд терговидида давлат айбловчини қувватлаш бўйича унга юклатилган асосий вазифаларни самарали бажариши таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давоми сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, бу борада қонунчиликдаги айрим муаммоларни бартараф этишга, энг муҳими эса мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ТАДБИРКОРЛИК

Харидор «Олтин мўйна жилоси»га мафтун бўлмоқда

Ғузур туманидаги «Пачкамар» қорақўлчилик-наследчилик ширкат ҳўжалигида териларни қайта ишлаш йўлга қўйилди. «Олтин мўйна жилоси» масъулияти чекланган жамият иш бошқарувчиси Лутфулла Қорахоннинг айтишича, бу ерда айна пайтда ўнга яқин кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланапти. Хом ашё ҳўжаликнинг ўзидан қаёқтанлиги боис таннархи арзон, пишиқ ва бежирим маҳсулотларни харид қилувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Жамият Ғузур буюм бозоридан савдо дўкони очиб, маҳсулотларни аҳолига сотишни ҳам режалаштирмоқда. Бу ерда 15 дан ортиқ ёшлар учун янги иш ўрни ҳам яратилди. Жамият мутасаддилари эса шу кунларда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш борасида тинимсиз изланмоқдалар.

СИЁСИЙ ТАЪЛИМ

Сиёсий ўқувларда интерфаол усуллардан фойдаланилмоқда

О'ЗЛИДЕР СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ IV МАЖЛИСИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2011 ЙИЛ ЯҚУНЛАРИ ВА 2012 ЙИЛДАГИ УСТУВРОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ, «МУСТАҲКАМ ОЙЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДАН КЕЛИБ ЧИКАДИГАН ВАЗИФАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ЭДИ

Ўз мухбиримиз

Ана шу устувор йўналишлар асосида Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан ҳудудий партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари ишлари жонлантириш мақсадида амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди. Унда асосий эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар моҳиятини сайловчиларга тушунтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини таъминлашга қаратилди.

Айни пайтда депутатлик сўрови самардорлигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига масалалар киритиш механизминини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида ҳудудларда ўқув-семинарлар ташкил этилапти. Ана шундай семинарларнинг дастлабкиси Фарғона вилоятида ўтказилди. Уч кунлик ўқувлар даврида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва маҳаллий кенгашлар раислари иштирок этдилар.

Ўқув-семинари учун танлаб олинган маърузалар мазмунини бугунги талаблар учун муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Фарғона давлат университети Социология кафедраси му-

дири, фалсафа фанлари доктори Фарход Турғунбоев давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларини ҳаётга таъбиқ этишда вакиллик органлари олдида турган вазифалар ҳусусида чиқиш қилган бўлса, О'зЛиДеР вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Аҳмадали Тешабоев «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва унинг жойлардаги ижросини назорат қилишда депутатлик гуруҳларининг тугган ўрни ҳақида мулоҳаза юритди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Барно Абдуллаева ва Қодиржон Охунов сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 йил — Ватанимиз таракқийоти янги босқичга кўтарилган йил бўлади» номли маърузасида тилга олинган устувор йўналишларга қаратдилар.

— Сиёсий ўқиш аслида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва партиянинг давлатида белгиланган қўйилган ҳаяжон яна бир бор уқишдир, — дейди О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудирини Нафиса Элчиева. — Шу маънода, бугунги тадбир ниятда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашнинг истардим.

О'зЛиДеР Бувайда туман кенгаши раиси Баҳодир Хайдаровнинг фикрича, ушбу анжумани нафақат сиёсий саводхонликни ошириш мақсади, балки ҳамкасбларнинг

ўзаро тажриба алмашиш майдончасига ҳам қиёслаш мумкин. Дарҳақиқат, маслақдорларнинг кун тартибидида долзарб масалаларни бир жойда тўпланиб, муҳокама қилиш ва зарур ҳулосаларни чиқариш эртанги фаолият самардорлигининг ошишига хизмат қилиши табиий.

— Амалий машғулотларнинг гуруҳларга бўлиган ҳолда ташкил этилгани қўйилган вазифага оқилона ечим топишда қўлай шароит яратди, — дейди халқ депутатлари Риштон туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Дилафрўз Файзуллаева. — Хусусан, биринчи гуруҳ жойларда назорат-таҳлил фаолиятини ўтказиш ва унинг яқунларини муҳокама қилиш йўналишида иш олиб бorgan бўлса, иккинчи гуруҳ ижро ҳокимияти мутасадди раҳбарининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўзига хос тақдимот уюштириш билан банд бўлдилар. Бошқа ҳамкасбларимиз эса депутатлик гуруҳи сўрови юборилиши назарий жиҳатларини амалиётга уйғунлаштириш устида бош қотирдилар.

Шунингдек, ўқув-семинарда депутатлик гуруҳларининг иш режаларини ишлаб чиқишда, энг аввало, партия бошланғич ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, БПТларнинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги масалаларни кўтариб чиқиш ва ҳал этиш бўйича депутатлик гуруҳларига тақлифлар бериш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Анжуман ташкилотчилари семинарнинг кейинги босқичи Самарқанд вилоятида ташкил этилишини маълум қилдилар.

Жараён

Янги авлод
давр билан ҳамқадам

АНДИЖОН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ АХОЛИСИ ЗИЧ ХУДУДЛАРИДАН БЎЛИБ, БУ ЕРДА ЯШОВЧИ 2 МЛН. 714 МИНГ КИШИНИНГ 29 ФОИЗИ ЁКИ 776300 НАФАРИНИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Бундай ҳолат, табиийки, ёшлар келажаги ва уларнинг маънавий камолоти билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Бу борада барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, жумладан, O'zLiDeP вилоят кенгашининг «Ёшлар қаноти» ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни кунда вилоятда 147624 ўқувчи тахсил олаётган 117 та касб-хунар коллежи бўлиб, уларни ҳадемай 47025 йигит-қиз битириб чиқади. Шунингдек, 12 та академик лицейда тахсил олаётган 9651 нафар ўқувчининг 3145 нафари мустақил ҳаётга қадам қўяди. Шунинг учун ҳам вилоятда ёшлар бандлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан ҳисобланмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, шу кунгача 2012 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 99,8 фоизи, яъни 47014 нафари билан ўн томонлама шартномалар тузишга эришилди.

Шу ўринда вилоятдаги 11363 нафар O'zLiDeP аъзо-сининг 5724 нафарини ёки 50,4 фоизини 18-34 ёшдагилар ташкил этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тенгдошларимизнинг келажақда қандай инсонлар бўлиб вояга етиши, энг аввало, улар нафас олаётган ижтимоий муҳитга, шароитга боғлиқ, — дейди партия вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Ф. Сайназаров. — Шу маънода улар келажаги бе-восита ҳозирги тарбияга боғлиқ эканлиги инобатга олинса, бу борада турли ижтимоий қатламлар ҳамда сиёсий институтлар зиммасидаги масъулият нечоғли юксак эканлиги аён бўлади. Зеро, жамиятнинг маънавий соғломлиги ёшларга бўлган муносабат билан белгиланади.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда «Ёшлар қаноти» андижонлик навқирон авлод вакилларида мафкуравий им-мунитетни шакллантириш, уларнинг маънавий ва сиёсий тарбиясини такомиллаштириш йўлида қатор ташкилотлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Жойларда ташкил этилаётган турли учрашув ва давра суҳбатлари, семинарлар, таърибот-ташвиқот тадбирлари ана шу мақсадга қаратилаётган. Энг муҳими, уларда тарихий меросимиз, жаҳон

илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг ижодий мероси, эзгу ўғитларидан унулмай фойдаланилаётган.

Ёшларда она юртга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантирмасдан туриб, уларни истиқлол ғоялари руҳи-

ўрлик кўрсатаётган. Жумладан, уларнинг банклардан имтиёзли кредит олишлари, ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун амалий ёрдам берилмоқда. O'zLiDeP ташаббуси билан илгари сурилаган «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним», «Ёш тадбиркор

АЙНИ КУНДА ВИЛОЯТДА 147624

ЎҚУВЧИ ТАХСИЛ ОЛАЁТГАН 117 ТА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ БЎЛИБ, УЛАРНИ ҲАДЕМАЙ 47025 ЙИГИТ-ҚИЗ БИТИРИБ ЧИҚАДИ. ШУНИНГДЕК, 12 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ТАХСИЛ ОЛАЁТГАН 9651 НАФАР ЎҚУВЧИНИНГ 3145 НАФАРИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ВИЛОЯТДА ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРДАН ҲИСОБЛАНМОҚДА.

да тарбиялаб бўлмайди, — дея сўзини давом эттиради «Ёшлар қаноти» етакчиси. — «Мустаҳкам оила йили»да бу йўналишдаги саяё-ҳара-катларимиз янада кизгин тус олаётган. Зеро, шахс маъна-вияти, унинг дунёқараши, турли ҳаётий кўникмалар асосан оилада шаклланади. Президентимиз «...биз маънавий ҳаётимизни юксалти-ришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий тарбиямиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғоялар-га қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳ-кам таянч деб биламиз», дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Бинобарин, миллий маф-курамиз билан боғлиқ илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳити орқали сингади. Бу узоқ да-вом этадиган ўзига хос иж-тимоий жараён. Оила, унинг муқаддас аъёналари орқали ёшларда Ватанга му-ҳаббат, ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик, илм-га иштиёқ ва маданият туй-ғулари шаклланади. Фаолла-римиз томонидан жойларда ташкил этилаётган бадий кечалар, давра суҳбатлари, турли мавзулардаги учра-шувлар, «Оила муҳити ва фарзанд тарбияси», «Оила-да ота-она ўрни», «Мустаҳ-кам оила — жамият тараққи-ётининг пойдевори» мавзу-идаги тадбирлар ёшларда юксак инсоний қадриятлар-ни қарор топтиришга қара-тилганлиги билан эътибор-га моликдир.

Албатта, «Ёшлар қаноти» тадбиркор ва ишбилармон-лар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий кучнинг етакчи бўлини сифатида андижонлик йигит-қизлар-нинг моддий фаровонлиги борасида ҳам алоҳида ғам-ҳ

— элга мададкор» каби лой-ихаларда ҳар йили 5-6 мин-га яқин иқтидорли йигит-қиз фаол қатнашмоқдалар. Улар орасида мамлакат ми-қёсида ном қозonganлари ҳам талайгина. Масалан, «Ёшлар қаноти» фаоллар-дан бири, коллеж битирувчи-си Отабек Мухторов 2011 йил 19-21 октябрь кунлари «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг республика босқичида иштирок этиб, «Энг яхши инновация биз-нес лойиҳа» номинацияси бўйича 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Айни кунда вилоятда 37548 та кичик бизнес субъекти бўлса, уларнинг аксариятини ёшлар бошқа-ришаётгани уларнинг ўз ке-лажақларини ўз қўллари билан яратётганларини кўрсатмоқда.

Шу ўринда ўтган йили ўрта махсус касб-хунар таъ-лими даргоҳларининг бити-рувчиларига банклар томо-нидан 3 млрд. 200 млн. сўмдан зиёд кредит ажра-тилган ва шу ҳисобдан 708 та янги иш ўрни барпо этил-ганини ҳам алоҳида таъкид-лаш мумкин. Жорий йилнинг айни давригача 26 нафар битирувчига 68 млн. 700 минг сўм миқдорида кредит бе-рилди ва қўшимча 28 та иш ўрни яратилди. Бу жараён-ларда «Ёшлар қаноти» қоши-даги «Иқтидорли тадбиркор ёшлар» клуби ҳам фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда таш-кил қилинаётган машғулот-лар ёшларда бошланғич биз-нес кўникмаларини шакл-лантиришда муҳим аҳамият касб этаётган.

Умуман, «Ёшлар қаноти» ҳаётнинг барча жабҳаларида навқирон авлод вакиллари-га яқин кўмакдош бўлишга, уларнинг хайрли интилиш-ларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интил-моқда. Бу эса ишонамизки, яқин келажақда ўз самараси-ни беради.

Қўшиб ёзиш санъати

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАШРИ — «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНING 2012 ЙИЛ 56-57 СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН «O'ZLIDERGA MUHOJAT QILGANDIK, AMMO...» НОМЛИ МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ, ХДП ФАОЛЛАРИ ҲАЛИГАЧА «ПАРТИЯЛАРАРО БАҲС» МАСАЛАСИ МОҲИЯТИНИ АНГЛАБ ЕТМАЯПТИЛАР ЭКАНДА, ДЕГАН ФИКРГА БОРДИК

Носиржон АБДУЛЛАЕВ,
O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши
раиси ўринбосари

Чунки O'zLiDePни обрўсизланти-риш учун мисқоллаб йиғилган сунъий «факт»лар бу сафар ҳам осонгина чоки-дан сўкилди. Эмишкни, чуствик тадбир-кор — «Само нур мағрур» корхонаси раҳбари С.Дадажонов йодланган туз махсулоти олиб келиш ва уни қадқолаш-ни ташкил этиш учун кредит олишда O'zLiDeP Чуст туман кенгашига муҳожат қилгану, туман кенгаши унга амалий ёрдам бермаган.

Ҳа, чиндан ҳам сиёсий партия кре-дит берадиган молия муассасаси ёки иш билан таъминлайдиган корхона эмас. Буни ХДП вакиллари қачон тушу-ниб етдилар билмадигу, аммо O'zLiDePнинг жойлардаги партия фа-оллари депутатлар орқали мамлакат ҳамда маҳаллий миқёсдаги дастурлар ва ўз ваколатлари доирасида жойлар-да қонунлар ижросини назорат қилиш-га бор куч ва имкониятларини сафар-бар этмоқда.

Буни 2011 йили партия Чуст туман кенгаши депутатларига 96 та муҳожат тушгани ва уларнинг 80 таси ижобий ҳал этилгани ҳам кўрсатиб турибди. Яна бир муҳим жиҳат: муҳожатларнинг 18 таси банклардан кредит олиш масала-сида бўлиб, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилган. Яъни, кредитлар олишда тадбиркорларга қонун талаблари ижро-сини назоратга олиш асосида ёрдам берилган.

«Само нур мағрур» корхонаси раҳ-бари С.Дадажонов билан суҳбатлашган-имизда, у чиндан ҳам кредит олиш ма-саласида муаммага дуч келганини таъ-кидлади. Лекин тадбиркор O'zLiDeP ту-ман кенгашига муҳожат қилмаганини айтди.

— Ҳақиқатан ҳам, «Ўзбекистон ово-зи» муҳбири менга телефон қилиб, кре-дит олишга қўйналибсиз, ҳеч ким ёрдам қилмабди, шу тўғрисида? — деб сўраб қолди. — Мен ҳақиқатан ҳам кредит ололмаганимни айтдим. Бироқ O'zLiDeP туман кенгашига муҳожат қил-ганман, деган гапни айтмаганман. Буни муҳбир укамиз ўзлари қўшиб қўйибди-лар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам кейинги пайтлар-да «Ўзбекистон овози»даги муҳбир ука-ларимиз гоҳи Термизда, гоҳи Жиззах-

да туриб, O'zLiDeP фаолиятига доир ма-қолаларга нималарнидир қўшиб қўйиш-да бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилмоқдалар.

Зеро, навбатдаги мақолада ҳам халқ депутатлари Чуст туман кенгашига O'zLiDePдан сайланган депутатлар то-монидан сессияларга бирорта масала киритилмагани тўғрисидаги фикр бил-са ҳазил, билмаса чин қабилида «қўшиб» қўйилган. Ваҳоланки, 2011 йил-да Чуст туман кенгашидаги депутат-лик гуруҳимиз томонидан 12 мартаба

кор ва фермер хўжаликлари вакилла-ри иштирок этганини таъкидлашни истардик.

Албатта, бугун рақамлар, тадбирлар билан мақнаш сиёсий партияга обрў олиб бермайди. Зеро, ислохотларнинг бугунги босқичида электорат ва сай-ловчи ўзи ишонч билдирган ҳар қан-дай сиёсий куч ва унинг вакилларида амалий ишларни, реал натижаларни кутмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз қатор туманларимиздаги фаолияти-мизни таҳлил этдик ва ишларимиз та-

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ДАГИ ҚЎШИБ ЁЗИШЛАР

ЭСА ПАРТИЯЛАРАРО БАҲС-МУНОЗАРА МОҲИЯТИНИ АНГЛАМАСЛИҚДАН, САЙЛОВЧИ ВА ЭЛЕКТОРАТ ЭЪТИБОРИНИ ЕНГИЛ-ЕЛПИ МАСАЛАЛАРГА ҚАРАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИ ЧАЛГИТИШДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС. АГАР «ҚЎШИБ ҚЎЙИШ»ДА УСТАСИ ФАРАНГЛИК ҚИЛАЁТГАН ХДП ВАКИЛЛАРИ НАМАНГАНДА ЎЗЛАРИГА ЯРАША ИШ ТОПОЛМАЁТГАН БЎЛСАЛАР, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИГА ОИД МУАММОЛАРНИ КЎРСАТИБ БЕРИШДА БАЖОНИДИЛ УЛАРГА КЎМАК БЕРИШИМИЗ ҲАМ МУМКИН.

турли мавзуларда тадбирлар ўтказил-ган. Депутатлик гуруҳи томонидан туман марказида ёшлар спорт иншоотини бунёд этиш масаласи халқ депутатла-ри туман кенгаши сессияси муҳокама-сига олиб чиқилган.

Депутатлик гуруҳининг 2011 йилнинг 19 декабрдаги йиғилишида эса «Фер-мер хўжаликлари тўғрисида»ги қонун-нинг тумандаги ижроси масаласи му-ҳокама қилиниб, унда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдуҳодиева-нинг ҳисоботи эшитилган.

2011 йилнинг 2 июнида «Чуст туман-ида янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дасту-рининг ижроси масаласи муҳокама қилиниб, унда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази туман бўлими раҳбари Ф.Ма-даннинг ҳисоботи эшитилди.

Энг муҳими, ўшбу тақлиф инобатга олиниб, халқ депутатлари Чуст туман кенгашининг 2011 йил 16 июнда 46-8-4 сонли қарори қабул қилинган. Негадир муҳбир укамиз ўшбу ташаббусни ҳам ўзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси сифатида мақолага қўшиб қўйган.

Шу ўринда 2011 йил давомида O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши то-монидан тадбиркорлик ва фермерлик-ни қўллаб-қувватлаш йўналиши бўйи-ча 117 та ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларда ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказилиб, уларда 15 минг нафардан зиёд тадбир-

лаб даражасида эмаслигини ўзимиз ҳам тушундик. Лекин юқоридagi рақам-лар билан O'zLiDeP бизга ким, қачон муҳожат қиларкан, деб қутиб ўтирма-ганини айтмоқчимиз, ҳолос. Аксинча, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилиш борасида имкон қадар ҳаракат қиламиз.

«Ўзбекистон овози»даги қўшиб ёзишлар эса партиялараро баҳс-муно-зара моҳиятини англамаслиқдан, сай-ловчи ва электорат эътиборини енгил-елпи масалаларга қаратиш орқали уларни чалгитишдан бошқа нарсаси эмас. Агар «қўшиб қўйиш»да устаси фаранг-лик қилаётган ХДП вакиллари Наман-ганда ўзларига яраша иш тополмаётган бўлсалар, партия электоратига оид му-аммоларни кўрсатиб беришда бажони-дил уларга кўмак беришимиз ҳам му-мкин. Хусусан, Чуст туманининг ўзида ХДП ҳаракат дастурида таъкидланган — кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу мақсадда бюджетдан ажра-тилаётган маблағларнинг аниқ манзил-ли етиб боришини назорат қилиш, пен-сия ва нафақаларни адолатли ҳисоб-китоб қилиш масалаларида етарли қамчиликлар борлигини яхши била-миз. Ўз навбатида, депутатларимиз бун-дай масалаларни ҳам ўрганаётганлари-ни таъкидлаш мумкин. ХДПчилар эса бошқа партиялар фаолиятидан сунъий кир қидириш ўрнига шундай амалий ишлар билан шуғуллansa, жамиятга ҳам, электоратга ҳам фойдали бўлармиди?

УЧИНЧИ СЕКТОР

Грант маблағларидан ким
қандай фойдаланмоқда?

АЙНИ ПАЙТДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА 5700ДАН ОРТИҚ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ БЎЛИБ, 2008-2011 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА УЛАРГА МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА КЎМАК БЕРИШ МАҚСАДИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ ШАКЛИДА 15,4 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ушбу рақам Олий Мах-лис ҳузуридаги ННТ ва фу-қаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қув-ватлаш жамоат фонди томо-нидан ўтказилган матбуот конференциясида тилга олинди. Тадбирда Олий Махлис Қонунчилик палата-си депутати, Парламент ко-миссияси раиси Акмал Са-идов 2012 йилга мўлжаллан-ган 2 та грант танлови ҳусу-сида маълумот берди.

— Биринчи танлов гра-нти «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратил-ган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оши-ришда иштирок этиш, шу жумладан, ёш оилалар, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижти-моий ҳимоя қилиш, респуб-ликаимизнинг чекка ҳудудла-рида уларни оилавий биз-нес, касаначилик, тадбир-корликнинг бошқа соҳалари-га кенг жалб қилиш»га қара-тилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга, — деди де-путат. — Жорий йилда маз-

кур йўналишдаги лойиҳа-ларни қўллаб-қувватлаш учун 1 млрд. 110 млн. сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 23 фоизга кўп, демаскидир. Шу ўринда эълон қилин-ган иккинчи грант танлови оммавий ахборот воситала-ри фаолиятини янада рив-ожлантириш, журналист-ларнинг касбий маҳорати ҳамда кўникмаларини тако-миллаштириш, мамлаката-мизда олиб борилаётган ис-лохотларнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий мадания-тини оширишга қаратилга-нини, ушбу лойиҳа учун эса 486 млн. сўм маблағ йўнал-тириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, тадбир иш-тирокчиларига янги ташкил этилган мониторинг гуруҳ-лари, улар зиммасидаги вазифалар қачида ҳам маъ-лумотлар берилди. Матбу-от анжуманида фонд томо-нидан ННТларга ажратилаёт-ган маблағлар қандай мақ-садларга сарфланаётганига оид маълумотлар ҳам тилга олинди. Олиб бориладиган таҳ-лиллар натижасида жой-ларда грант маблағидан бо-шқа мақсадлар йўлида фой-

даланаётган ННТлар борли-ги аниқланди.

Юқоридagидек ҳолатлар эса давлатнинг жамият ол-дидаги ўз масъулиятини тўла ҳис этиб, фуқаролик ин-ститутларини ривожланти-ришга алоҳида эътибор қаратишларини кўрсатмоқ-да. Бунинг учун давлат бюд-жетидан ажратилаётган маблағлар миқдори йил сайин оширилмоқда. Аммо ана шундай бир пайтда ай-рим ННТлар яратиб берил-ган имкониятларини суиис-теъмол қилаёттирлар. Агар парламент комиссиясининг яқин йиллардаги фаолияти-ни таҳлил этсак, 2011 йил-дангана грант маблағлари-нинг мақсадли ишлатили-ши таҳлил этила бошланга-нини кўрамиз. Бу айни пай-тда комиссия фаолиятининг бугунги кун талаблари да-ражасида ривожланаётгани-дан далолатдир. Комиссия қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи ўз фаолияти-ни грант маблағи ажратил-ганидан кейинқок бошлаб, ННТларга ҳуқуқий жиҳатдан маслаҳат ва тавсиялар бе-ришни изчил йўлга қўйган-нида, балки юқоридagидек ҳолатларнинг олди олинган бўлармиди.

Фаргона. O'zLiDeP Фаргона туман кенгаши ташаббуси билан БПТ раислари ҳамда партия фаоллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда асосий эътибор қуйи бўғинлар зиммасидаги вазифалар, бу борада бошланғич ташкилотлар масъулиятини ошириш масалаларига қаратилди.

Жиззах. Янгиобод туманида ташкил этилган семи-нарда БПТларнинг «Мустаҳкам оила йили»даги асосий вазифалари муҳофаза қилинди. Йиғилишда БПТлар иш режасида белгиланган вазифалар ижроси таҳлил қилиниб, қуйи бўғинларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, бу борада оила ва маҳалла ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Наманган. Мингбулоқ туманидаги «Агробанк» ОАТБ Жомашуй филиали қошидаги БПТда қуйи бўғинлар фаолиятини янада кенгайтириш, партия аъзолари малакасини ошириш ҳамда аъзолик бадаллари тўлаш интизомини яхшилаш масалалари ҳусусида фикр юритилди. Тадбирда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 17 май | 20 (444)-сон

WWW.21ASR.UZ
e-mail: axborotXlasr@yahoo.com

Биргаликда биз кучмиз

— ДЕЙДИ «ЖОНИ ТЕКСТИЛЬ САВДО»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РАИСИ НАЗИРА МИРЗАЕВА

Илхомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Назира опа Мирзаевага O'zLiDeP дастурида тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгрок фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратиш, жамиятнинг ушбу қатлами манфаатларини ҳимоялаш борабарада унинг эртанги кунини таъминлаш белгилангани маъқул тушди-ю, партияга аъзо бўлди.

Зеро, у тадбиркорлик билан шуғулланиш, ўз мулкни яратишни хоҳлар эди. Иш биланга — минг танга, деганларидек атрофига оила аъзоларини олиб, «Жони текстиль савдо» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Уч киши билан ўз фаолиятини бошлаган корхонада бугун 20 киши меҳнат қилаётти. Назира опа партия гоёларини тикувчи қизлар, ишчи-хизматчилар ўртасида кенг тарғиб қилиб, бошланғич партия ташкилотини ҳам тузди. Корхонанинг 16 нафар ходими бугун O'zLiDeP аъзосидир. Гулбахор Мирзаева, Зиёда Курбонова, Мафтуна Абдушитонова, Гулмира Меликулова, Иброҳимжон Арслонов айна пайтда самарали меҳнат қилиш билан бирга партия гоёларининг фаол тарғиботчисига ҳам айланишган.

— Сиёсий фаолият ходимларимизнинг меҳнатга муносабатини ҳам ўзгартириб юборди, — дейди Назира опа. — Зеро, энди улар ўз ишларининг ирмоқлар каби қўшилиб, мамлакатимиз иқти-



содиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишини яхши тушунишди.

Дарҳақиқат, корхона фаолияти тобора ривожланиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда 20 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 40 млн. сўмни ташкил этди. Жорий йилда эса корхона жамоаси 60 млн. сўмлик тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ният қилаётти. 2010 йили «Микрокредитбанк»дан 20 млн. сўм кредит олиниб, хориждан замонавий тикув дастгоҳлари харид қилингани ҳам айна мудоа бўлди.

O'zLiDeP Жалакудук туман кенгаши аппарат раҳба-

ри Сурайё Мухаммадиеванинг таъкидлашича, халқ депутатлари туман кенгашидаги 25 та депутатлик ўрнидан атиги 5 тасини O'zLiDeP вакиллари эгаллаганидан жиддий хулоса чиқариш лозим. Шунинг учун ҳам 31 та бошланғич партия ташкилотлари атрофига уюшган фаоллар келгуси сайловларга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Зеро, улар бугунги сайловчи чиройли сўзларга эмас, балки амалий ишларга қараб баҳо беришини яхши билишди.

Сурайё опа, шунингдек, бугунги сиёсий фаоллик келгуси сайловларда партиянинг обрўсини белгилашини, Назира Мирзаева сингари

ташаббускорлар депутатликка муносиб эканини таъкидлади.

— Мен мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим. Партиямиз эса ўрта синф вакиллари манфаатини ҳимоя қилди, — дейди Назира опа. — Шундай бўлгач, партия сафларини мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифамизга айланиши керак. Бунинг учун, энг аввало, қуйи бўғинлар фаолиятини ривожлантиришимиз лозим. Чунки ушбу бўғин партиянинг таянч қаноти-дир.

Опа ҳақ. Чиндан ҳам партиямиз дастурий мақсадини ўзида ифода этган ширда айтилганидек: «Биз биргаликда — сиёсий кучмиз».

Бўстонликда «Аёллар қаноти» мустаҳкамланмоқда

ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ O'zLiDePнинг АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ МУНОСИБ ТУРМУШ КЕЧИРИШЛАРИ ВА ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНЛАРИНИ ТОПИШЛАРИГА ИМКОН ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРИНИ ЯНГИ БОСКИЧГА ҚўТАРДИ. ПАРТИЯНИНГ БУ БОРАДАГИ НУКТАИ НАЗАРНИ ИФОДАЛАБ КЕЛАЁТГАН «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ВА УНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИ ЖОЙЛАРДА БИР ҚАТОР ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРГА ҚўЛ УРМОҚДА

Зиёдулла МЎМИНОВ,
«XXI ASR»

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида O'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган «Мустаҳкам оила — ёш авлодни тарбиялаш ўчоғи» мавзусидаги семинар-тренингда ҳам асосий эътибор жойларда оила мустаҳкамлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ролига қаратилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мухаббат Тўхтаеванинг таъкидлашича, айна кунда туманда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёллар томонидан 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Гарчи Бўстонлик вилоят марказидан олисроқда жойлашган бўлса-да, бу ерда тадбиркор аёлларнинг самарали фаолият юритиши учун барча имкониятлар мавжуд. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар асосида эса худудда оилавий бизнесга эътибор янада кучайди.

— Агар бундан 5-6 йил аввал туманда аёллар тад-

биркорликнинг атига 10га яқин тури билан шуғулланган бўлсалар, бугун бу рақам 20дан ошди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими бошлиғи Муяссар Жомалидинова. — Яна бир муҳим жиҳат: жойлардаги учрашувларда тадбиркор аёлларимизнинг билими, касб маҳорати ва эгаллаган фаолият турлари бўйича малакалари анча ошгани яққол кўзга ташланмоқда. Шундан бўлса керак, бугунги тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ёки тақлиф этаётган хизмат турлари хорижий ишбилармонларникидан қолишмаяпти.

— Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш керак, — дейди тумандаги «Қоронкул» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Холида Холматова. — Масалан, бугунги семинарда маҳалламиздан 20га яқин хотин-қиз қатнашди. Уларни биров семинарда қатнашишга ундагани йўқ, балки ўзлари қизиқиш билдирдилар. Ҳатто ўзим маҳаллада тадбиркорликнинг ҳали йўлга қўйилмаган соҳаларини жорий қилиш мумкинлигига амин бўлдим. Айниқса, ёш

хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларда тадбиркорлик қўнимчаларини шакллантириш, иш юритишни ўргатиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда ҳали биз ўрганишимиз лозим бўлган ишлар анчагина экан. Афсуски, тадбиркорлик субъектини ташкил этиб қўйиб, тажриба етишмаслиги оқибатида фаолият юри-таётганлар ҳам йўқ эмас. Бугунгидек семинарлар шундай ҳолатларнинг олдини олишда қўл келади, деб ўйлайман.

— Туманимиздаги опасингилларимиз фаоллигини янада ошириш мақсадида «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи» лойиҳаларидан унумли фойдаланаямиз, — дейди O'zLiDeP Бўстонлик туман кенгаши раиси Ҳалима Ашурова. — Натижада биринчи чорак давомида 40дан ортиқ янги иш ўрни яратдик. Айниқса, «Ус-тоз—шоғирд» аъналарини давом эттириб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз ишининг усталари, маҳоратли мутахассисларга бириктиряпмиз. Токи улар қисқа фурсатларда маълум бир малакага эга бўлсинлар.

Семинар-тренингда 250 нафар аёлнинг иштирок этгани жойлардаги ўзгаришлар, жамиятни янгилаш жараёнларида хотин-қизларимиз фаол иштирок этаётганларидан далолат бермоқда. Бу эса ўз навбатида тадбиркор аёлларимизнинг билим ва тажрибаларидан ташқари уларнинг давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини ҳам теран англаётганларини кўрсатиб турибди.

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Андижон. O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» шиори остида жойларда ўтказилаётган спорт мусобақалари бу гал Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида ташкил этилди. Унда туманининг «Учқун» ва «Маъмуробод» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги фаол хотин-қизлар спортнинг волейбол, баскетбол, югуриш турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Бухоро. Хотин-қизларни маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг муҳим вазифаларидан бири саналади. Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларидаги битирувчи қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. O'zLiDeP Ромитан туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати айна шу мавзуга бағишланди. Йиғилишда тадбиркорликка иштиёқманд ёш қизларга бошланғич сармояни олишда амалий кўмак бериш, улар фаолиятининг доимий мониторингини юритиб бориш билан боғлиқ масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси. «Аёллар қаноти»нинг Соғлом оила — мустаҳкам оила» номли лойиҳаси доирасидаги бу галги йиғилиши Амударё туманида бўлиб ўтди. Унда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар ўртасида зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари ҳусусида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Наргиза Қаҳқорова
тайёрлади.

Сиёсий фаоллик янги изланишларга ундамоқда

O'zLiDeP ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАНДЕК, «ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТАЛЛАНГАН ТЕХНОЛОГИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦИКЛИГА ЭГА, ТАЙЁР МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН, МИНЕРАЛ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОМАШЁСИНИ ТўЛИҚ ҚАЙТА ИШЛАЙДИГАН КОРХОНАЛАР КАТТА УЛУШГА ЭГА БўЛИШИ КЕРАК, ДЕБ ХИСОБЛАЙДИ»

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

«Uzdonmahsulotlari» акционерлик компанияси таркибидаги «Қувдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти ана шундай талабга жавоб бера оладиган иқтисодий бақувват, юқори экспорт салоҳиятига эга корхоналардан бирidir.

Акциядорлик жамиятида донни қайта ишлаш асосида барча навли ун ва шу асосдаги маҳсулотлар тайёрланади. Бу борада Италиянинг «Брайманти» компанияси технологиялари жуда қўл келмоқда. Бир кеча-кундузда 150 тонна дон қайта ишланиб, 100 тонна ун маҳсулотлари тайёрланаётти. Корхонанинг имкониятлари катта. Хар йили 22000 тонна ун, 24000 тонна омухта ем, 6000 тонна макарон, 5000 тонна уруғлик дон ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб берилди. Шу билан бирга, корхонада кунига 100 тонна уруғлик дон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мавсумий уруғчилик цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Маиший қулайлик меҳнатга унум бағишлайди. Шунинг назарда тутиб, корхонада ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, спорт-соғломлаштириш мажмуи, дам олиш хоналари улар хизматига. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан O'zLiDeP аъзолари ҳам тўла баҳраманд. Зеро, корхонада партия нуфузининг юқорилиги меҳнатни тўғри ташкил этиш, белгиланган режа-топшириқлар ижросини таъминлашда жуда қўл келаётти.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда Фаргона вилоятинида биринчилар қаторида партиянинг таянч бўғинига асос солинган эди. Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган мингга яқин ишчи-хизматчиларнинг 127 нафари O'zLiDeP аъзосидир. Улар ишлаб чиқариш ривожлантириш, иқти-

содий ислохотларни чуқурлаштиришда бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

БПТ ўз фаолияти давомида Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга, O'zLiDeP дастурий мақсадлари ҳамда корхона олдида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, «Партия электратни манфаатлари қонун ҳимоясида», «Тадбиркор ва ишбилармонлар — жамиятимиз таянчи», «Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш: ютук ва муаммолар», «Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва истиқболли лойиҳалар», «Замонавий технологиялар билан ишлаб чиқаришда касаначилик фаолиятини кенгайтириш» мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар БПТ аъзоларининг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётти. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асари юзасидан ташкил этилган учрашув ҳам барчада катта таассурот қолдирди. Зеро, истиқлол даври тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланадиган ушбу китоб катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

— Биз ўз фаолиятимиз давомида фақат тадбирлар ўтказиш билан чегарланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Дилором Яхёева. — Асосий эътибор партия аъзолари ўртасида гоёвий бирдамликни мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, миллий қонунчилик ва O'zLiDeP меъёрий тартиб-ларидидаги янгилликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб боришларини таъминлашга қаратилмоқда.

Юқоридаги каби очиқ мулоқотлар эса кадрлар билими ва малакасини ошириш, партияимизнинг стратегик мақсадларини фаол тарғиб қилиш, сафларимизни мустаҳкам эътиқодли, гоёвий етук кишилар ҳисобиغا кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз.

Ушбу БПТ фаолияти билан танишган одам яна бир муҳим жиҳатни пайкайди. У ҳам бўлса, корхонадаги партия аъзоларининг янгилликларга интилишларидир. Ҳаттоки тадбирларга тайёргарлик жараёнида ҳам бунга қатъий амал қилишади. Жаммо муҳофазасига ҳавола этиладиган ахборот ва маълумотларни тушунтириш осон бўлиши учун янгича технологиялар, замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда аудиторияга етказишга ҳаракат қилинади. Зеро, партияимиз имижига хос жиҳатлардан бири ҳам шу — мақсадга мажбурлов билан эмас, балки фуқароларни қизиқтириш орқали эришидир.

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси
2012 йил 7 ойига
БПТлар учун имтиёзли
ОБУНА
уюштирилаётганини
маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ҚИШЛОҚДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КҮЧ



Абдурашид фермернинг орзуси

АБДУРАШИД ПОЛВОН ҚАСБИНИНГ КАТТА ДАВРАЛАРИДА КУРАШ ТУШИБ, ЙИРИК СОВРИНЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ПАЙТЛАРИДА ҲАЛИ ЙИГИРМАГА ҲАМ ТЎЛМАГАН НАВКИРОН ЙИГИТ ЭДИ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

Қарши Педагогика техникумини битиргач, кўп йиллар тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде ёшларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ берди. Унлаб ёш полвонларни топди, тарбиялади. Шогирдлари Асқар Бозоров, Фаррух Юсупов, Фахриддин Очилов кўпқарра вилоят биринчиликларида ғолиб чиққан. Рамз Курбонов билан Ғолиб Ширинов эса Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Бугун юзлаб касбилик ёш полвонлар Абдурашидни ўз устозлари, деб билишади.

Дехқон фарзанди эмасми, Абдурашид ёшлтигидан далага меҳр қўйиб улғайди. Ёўза зараркунандаларига қарши кимёвий дориларсиз кураш эндигона урф бўлган кезларда тадбиркорлик фаолиятига бел боғлади: биологатория ташкил этиб, 6 нафар ёш қизларни иш билан таъминлади. Ҳар йили биологаторияда олтинкўз, трахограмма, габробракон тайёрлаб, 2-2,5 минг гектар майдонга биологик ишлов беришни йўлга қўйди. Бунинг даромади ҳам чакки эмас экан: йиллик фойда 5 миллион сўмдан оша бошлади. Ёўза парвариши авж олган кезларда полвон даладан бери келмай қўйди. Шундай кунларнинг бирида далада туман ҳокимини учратиб қолди.

Ҳоким у деди, бу деди, Абдурашид полвонни фермер бўлишга кўндирди. Шу тариқа «Райим Ширинов» фермер хўжалиги пайдо бўлди. 2011 йил 26 гектар майдондан 90 тонна ғалла ҳосили тайёрланиб, давлат шартномаси орқали билан удаланди. 17 гектар майдондан 50 тоннадан ошириб пахта йиғиб-териб олинди. 3 гектар майдондаги боғ ҳам яхшигина ҳосил берапти. Тўғри, дастлабки йили фермер учун анчагина оғир келди. Қурғоқчилик сабаб, сув танқислиги фермерларни қаттиқ қийнаб қўйганди. Абдурашид фермер бор сармоиси ҳисобига артезиан қудуғи қаздириб, экин майдонларига сув келтирди. Йил якунларига кўра, 13 млн. сўм соф фойда олинди. Айни кунларда фермер қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, «Иссиқ нон» ишлаб чиқариш цехини бунёд этиш ҳаракатида юрибди. Дала ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилаётти. Ходимлардан Отабек Ҳайитов, Хусан Ширинов, Илхом Ҳайдаров, Ражаб Жуманазаров эришилаётган ютуқларга баҳолиқудрат ҳисса қўшиб келишмоқда. Хўжалик аъзолари учун барча шарт-шароит муҳайё.

— Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан фермерлик ҳаракати ривожлантирилиб, ер майдонлари тажрибали ва ишбилармон деҳқонларга ишониб топширилди. Бу эса маҳсулот етиштириш ҳажмини йил сайин кўпайтириш имконини берапти, — дейди Абдурашид Ширинов. — Фермерлик бизга мустақиллик ато этган неъматдир.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг ривожлантирилиши, миллий қадрият ва аъёналаримизнинг давомийлигини таъминлашга, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига, энг муҳими, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига хизмат қилмоқда. Кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор туфайли тадбиркор ва ишбилармонлар жамиятимизда нуфузли қатламга айланди. Фермерликни кимлар орзу қилмайди, дейсиз. Аммо ердан ризқ-рўз ундириш, саратон жазирамаси-ю, қишнинг қаҳратонига дош бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Фермер учун кўкламининг ҳар бир куни ғанимат. «Райим Ширинов»да ҳам вақтдан унумли фойдаланилади. Ғаллазорларга ўғит берилиб, беғона ўтлар йўқотилади. Баҳорнинг серёғин келганлиги боис ҳосил қўғи баланд. Деҳқонлар ёўза ниҳолларини бир текис ундириб олиб, иккинчи ишловни бошлаб юборишди. Давлат шартномаларининг ортиги билан бажарилишга шак-шубҳа йўқ. Абдурашид фермер бу йил олинанидан фойда ҳисобидан қишлоқдаги 13-мактабнинг қаровисиз ётган бийосини таъмирлаб, кураш зали очилга аҳд қилган. Кураш залини шогирдларига топширмоқчи. «Улар ҳам ёшларга кураш сирларини ўргатишсин, чемпионлар чиқишига ўз ҳиссаларини қўшишсин», — дейди Абдурашид ака.


Ҳа, фермер бўлиш осон эмас. Ишни тўғри ва оқилона ташкил қилиш, агротехник тадбирларни пухта ўтказиш, зараркунандалар ва турли касалликларга қарши кураш катта матонат талаб этади. Истиқлол шарофати билан бугун деҳқоннинг онгу тафаккури ўзгариб, ўз ери ва мулкига эга бўлди. Қилган меҳнатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётти. Эгалик туйғуси Абдурашид фермерга ҳам катта куч бағишлаб, уни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

ПРОМО — АКЦИЯ

31217 иштирокчи Олимпиадада бормайди

Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиадада ўйинларида иштирок этувчи спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаёпти. «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ҳам ана шу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» VISA картчасидан фойдаланинг ва 2012 йилги Олимпиадада ўйинларига йўланмани ютиб олинг! промо-акциясини эълон қилган эди. Ушбу акция қарийб икки ой давомида республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилди ва унда 31 минг 218 киши иштирок этди.

Яқинда ана шу акция ғолиби — Лондонга бериладиган йўланма эгаси аниқланди. Якуний натижаларга кўра, банкнинг Мирзо Улуғбек филиали мижози бўлган Дилором Юсупова бош соврин соҳибига айланиб, 31217 та акция иштирокчиларининг Лондонга бориш умидини йўққа чиқарди. Ғолибларга, шунингдек, кондиционер, микротўлқинли иситгич ва чангюттич каби рағбатлантирувчи совринлар ҳам топширилди.



МАРКЕТИНГ

Мерчандайзинг нима?

ЁКИ ХАРИДОРНИ ЖАЛБ ЭТИШ СИРЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Дилафруз
АБДУРАХМОНОВА,
Тошкент молия-иқтисодиёт
коллежи ўқитувчиси

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар улар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга замин бўлмоқда. Соҳада тобора кучайиб бораётган соғлом рақобат муҳити эса кўпроқ даромад олишнинг янги усуллари излашга ундаётти.

Айни вақтда юртимиздаги дўкон ва супермаркетлар хилма-хил маҳсулотлар билан тўла. Албатта, маҳсулот ишлаб чиқариш бошқа-ю уни харидорга етказиш бошқа. Хўш, бугунги харидор кўнгилни қандай топиш мумкин?

Мутахассисларнинг фикрича, дўконларда маҳ-

Ислоҳот

Банк кредитлари иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилмоқда

МАЪЛУМКИ, ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИЛАЁТИР. БУ ЭСА ТАРМОҚДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МИЖОЗЛАРГА КўРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТ СИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, МОЛИЯ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАҚСИМЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Шахзод НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Сўзимизнинг амалий исботини «Агробанк» ОАТБнинг Навоий вилоят бошқармаси мисолида ҳам қўриш мумкин. Ушбу молия муассасаси ўзининг 8 та филиали ва 9 та мини банки орқали миҳозларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг I чораги мобайнида барча соҳаларга 16 млрд. 997 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар йўналтирилди. Ажратилган сармоялар вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларини босқичма-босқич ривожлантиришда жуда қўл келаётти.

Зеро, бугун Навоийда бевосита банкнинг молиявий кўмаги билан мулкдор бўлаётганлар сони ортиб бормоқда. Утган давр мобайнида соҳага йўналтирилган кредитлар миқдори 1 млрд. 526 млн. сўмни ташкил этди. Натижада 1243 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 761 тага кўпайганлиги эътиборга моликдир.

Тан олиш жоиз: фермерлар бугун қишлоқда етакчи ва бунёдкор кучга айланди. «Агробанк»нинг Навоий вилояти бошқармаси томонидан жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида фермер хўжаликлари 1 млрд. 174 млн. сўмлик тижорат кредитлари ажратилди. Бунинг 200 млн. сўми қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун, 215 млн. сўми чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга, 295 млн. сўми паррандачиликни кенгайтиришга, 120 млн. сўми интенсив боғ ва иссиқхона барпо этишга, 353,5 млн. сўми эса маҳсулотни қайта ишловчи цехлар ташкил этиш мақсадида ажратилди. 2012 йилги ғалла ҳамда пахта ҳосили учун фермер хўжаликлари бўна тари-



қасида маблағлар ажратилиб боришмоқда.

Шунингдек, банк томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда 113,9 млн. сўм миқдоридеги истеъмо ва 110 млн. сўмлик ипотека кредитлари ана шу мақсадлар учун йўналтирилди.

Изланиш ва уюшқоқлик янги муваффақиятларга йўл очибди ўз-ўзидан маълум. Банк томонидан иқтисодий ночор, кам қувватли корхоналар ҳам қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўзида саккизта ана шундай

миҳозга 2 млрд. 340 млн. сўм миқдоридеги инвестиция кредитлари ажратилди. Натижада 157 киши муқим иш жойларига эга бўлди. Хатирчи туманида фаолият юри-таётган «Маҳмуд бобо Со-биржон» МЧЖни олайлик. Банкнинг 150 млн. сўмлик кредити эвазига маъзул корхонада рангли бўёқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай мисоллар оз эмас. Жумладан, калава ип ишлаб чиқаришнинг режа-лаштирилган «Зарафшон пахта сервис» корхонасига 100 млн. сўм маблағ ажратилди. Навоий шаҳридаги «Горняк извест» масъулияти чекланган жамияти эса бан-



книнг 600 млн. кредити эвазига оҳақ тайёрлашни йўлга қўйди. Натижада 37 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Айтиш керакки, жойларда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 ноябрдаги «Навоий вилоятида 2010-2012 йилларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда нарх-навои пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар» дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу борада банкнинг молиявий ёрдами катта бўлаётти. Жумладан, Янгирабоддаги «КАМОЛЕТ ФИШ ТОО» МЧЖга интенсив балиқчиликни йўлга қўйиш ва мавжуд цехни таъмирлаш учун 60 млн. сўм, шунингдек, 15 та миҳозга паррандачиликни кенгайтириш учун 650 млн. сўм кредит маблағи берилди. Кармана туманида жойлашган «TALQOQ QURILISH SAVDO» хусусий корхонасига банкнинг 100 млн. сўмлик кредити эвазига қурилиш материаллари, жумладан, черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, ушбу қурилиш маҳсулотлари навоийликлар ва қўшни вилоятлардаги миҳозларга арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Дарҳақиқат, молия бозоридеги мустаҳкам ўрин эгаллаётган «Агробанк» ОАТБнинг Навоий вилояти бошқармаси тараққиёт сари тобора шаддам одим ташламоқда. Миҳозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, ислохотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўйиш аҳил жамоанинг эзгу шioriга айланган. Эришилган дастлабки натижалар жорий йил барча соҳалар бўйича муносиб якунланишидан дарак бериб турибди.

Бундан ташқари, бир хил товарларнинг кўп миқдорда бўлиши харидорда ўзига хос тушушча пайдо қилади. Кўпми, демак тез тугайди. Тез тугаяптими, демак кўп сотиб олинмоқда.

Шу ўринда харидор кайфиятини кўтариш ва харид қилишга ундаш мақсадида турли хидлардан фойдаланиш, яъни ароматерапия усули ҳам яхши самара беради. Масалан, гуллар ва мевалар ҳиди тилла буюмлар билан савдо қилувчи дўконга ташриф буюрувчиларни у ерда кўпроқ ушла-ниб қолишга ундайди. Буюк Британиядаги баъзи дўконларда харидорларда сотиб олиш истагини кўпайтириш мақсадида ширмой нон исидан фойдаланилади.

Бир сўз билан айтганда, савдо ҳажмини ошириш ни-ятидаги тадбиркорлар «мерчандайзинг қоидала-ри»га қатъий амал қилса-лар, мақсадга мувофиқ бўлади.

экан. Бундай савдо нуктала-ри товарларни шунчаки жойлаштириб чиққан рақо-батчиларига нисбатан 200-300 фоизга кўп савдо қилиш-лари аниқланган. Хўш, бун-га қандай йўللار билан эри-шиш мумкин?

Мерчандайзинг — савдо ҳажмини оширишнинг ҳозирги кунда жадал ри-вожланаётган усули. Ривож-ланган давлатларда бу иш

таъсир кўрсатилади. Зеро, дўконлардаги товарларнинг 80 фоизи учун энг яхши бўлгани учун эмас, балки харидорда яхши таассурот қолдиргани учунгина сотиб олинади.

Деярли 90 фоиз хари-дорда дўконнинг учдан бир қисмини айланиб бўлгач, уни тарқ этиш истаги пай-до бўлади. Шунинг учун ҳам асосий маҳсулотларни кўзга

қўринарли жойга жойлаш-тириш мақсадга мувофиқ-дир. Кириш эшиги, асосий маҳсулотлар, масалан, нон, сут, гўшт жойлашган жой ва ҳисоб-китоб бўлими орала-ридаги ҳудуд «Олтин учбур-чак» саналади. Ушбу ҳудуд-га тез сотилиши лозим бўлган товарлар жойлашти-рилса, айни муддао бўлади. «Олтин учбурчак» қондаси шундан иборатки, унинг ҳажми қанча катта бўлса, сотув ҳажми ҳам шунча оша-ди. Чунки дўконнинг энг узоқ қисмига жойлаштирилган зарурий маҳсулотни олиш учун харидор бутун дўкон бўйлаб ҳаракат қилишига тўғри келади. Натижада эса маҳсулот ассортиментлари билан ҳам йўл-йўлакай тани-шиб боради.

Бир хил қадоқланган маҳ-сулотларнинг бир қанчаси-ни ёнма-ён жойлаштириш ҳам харидорлар эътибори-ни жалб қилиши маълум. Чунки пештахтада маҳсулот қанча кўп жой эгалласа, шун-ча яхши кўзга ташланади.

Халқаро ҳаёт

Янги тушкунлик кайфияти

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ МУТАХАССИСЛАРИ ЕВРОПА ЎЗ МУАММОСИНИ ТЕЗРОҚ ХАЛ ЭТМАСА, ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИ ТУШКУНЛИК ДОМИГА ТУШИШИ МУМКИНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАЙ БОШЛАДИЛАР

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Маълумки, 2011 йилнинг сентяб-рида дунёда ўртача иқтисодий ўсиш 2012 йилда 4 фоиз атрофида бўлиши башорат қилинган эди. Аммо таҳлиллар ҳозирга келиб дунё давлатларидаги ўртача ялпи ички маҳсулот ўсиши 3,3 фоиз атрофида эканини кўрсатмоқда. Ана шу башоратлар орасида энг таъшиланарлиси Евромакон давлатларига тегишли бўлиб, жиддий ва кескин чоралар кўрилмаса, худуддаги ўсиш 0,5 фоиздан ошмаслиги тилга олинапти. ХВЖ эксперти жаноб Бланшарнинг айтишича, Европа инқирозининг акс-адоси бошқа худудларда ҳам эшитилапти. Хусусан, Хитойнинг ЯИМ ўсиши 9 фоиздан 8 фоизга, Россияда 4 дан 3,3 фоизгача, АҚШда эса 2 фоизга пасайиши мумкин. Агар Қўшма Штатларда аксилқироз чоралари самара бермаса, 2013 йилда бу мамлакат иқтисодиёти рецессияга тушиб қолиш эҳтимоли ҳам юқори.

Шу ўринда айрим башоратчилар 17 давлат аъзолигидаги еврозона кулаши мумкинлиги хусусидаги фикрларни ҳам билдираётганларини таъкидлаш жоиз. Аввал Греция, Португалия ва Ирландия ҳукуматлари тинчлини бузган таназзул ҳозирда Италия ва Испанияга ҳам хавф солмоқда. Америкалик мутахассислар шундай бир пайтда Европа раҳбарлари аҳволни тузатмасалар, халқаро миқёсда еврога ишонч йўқолиши мумкинлигига ишора қилаётганлар.

Брюсселдаги Европа сиёсати маркази бош иқтисодчиси Фабиан Зулигнинг айтишича, «Американинг хавотирлари бежиз эмас. Чунки бутун бошли глобал молиявий тизим хавф остида. Янги таназзул эҳтимоли мавжуд. АҚШ буни яхши англаб етган. Греция дефолтга учраса, жараён занжир реакцияси билан жаҳон бўйлаб тарқалиши мумкин», — дейди эксперт.

Шунинг учун Европа давлатлари ўзига яраша чоралар кўраяпти. Масалан, Италия парламенти янги иқтисодий дастур қабул қилиб, келаси уч йилда бюджет камомадини 70 миллиард долларга туширишни кўзлаётган. Молия бозорида акция кўрсаткичларининг тушиб кетишидан қўчман Италия ўз облигацияларини бирмунча вақт паст фойзда сотишга ҳам мажбур бўлди. Банкларнинг кредит рейтингини белгилувчи халқаро агентлик Греция ҳукумати облигацияларига эгалик қилувчи икки йирик француз банкининг кредит рейтингини бир поғонага туширгани ҳам молия бозорини безовта қилди.

Бюджет камомадини камайтириш учун расмий Афина икки йиллик мулк солигини жорий этиб, 2015 йилгача ғазнага 50 миллиард евро туширишга умид қилаётган. Бироқ 150 минг давлат хизматчилари ишсиз қолиши, маошлар ва ижтимоий ҳимоя учун ажратилаётган маблағ қисқариши эса аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Айримлар еврозона тарқалиб кетишининг олдини олиш учун Европа ҳукуматларини иқтисодий ҳамкорлиқни қучайтиришга чақирмоқда.

Европалик таҳлилчи Фабиан Зулиг еврозона келажаги хусусида гапириб, қарзини тўлай олмаган Греция тизимини тарқ этадиган бўлса, бошқа мамлакатлар ҳам саросимага тушиб, еврозона кулаши мумкин, деди.

Дунёнинг глобал муаммолари кескин тус олаётган ана шундай бир пайтда ижтимоий-иқтисодий сиёсат масаласи инсоният тақдирида муҳим роль ўйнапти. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки БМТ маълумотларига қараганда, халқаро молиявий бўҳрон туфайли дунёнинг 54 та мамлакатидан аҳоли 1990 йилга нисбатан камбағаллашган. Йигирмадан ортиқ мамлакат аҳолисининг асосий қисми очликдан азият чеқмоқда. 34 мамлакатда ўртача умр кўриш даражаси пасайган. 12 мамлакатда эса болаларнинг бошланғич умумтаълим мактабларига қатнаш кўрсаткичи камайган. Хатто АҚШда ўрта синфга мансуб аҳоли сони камайиб бораётган.

Энг афсусланарлиси, 2008 йилда бошланиб, бошқа ўлкаларни ҳам қамраб олган молиявий танглик ту-

файли камида 40 миллион киши иш жойидан маҳрум бўлди. Бугун дунёнинг энг етакчи давлати — АҚШнинг ташқи давлат қарзлари 14 триллион доллардан ошиб кетди. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилаётган ёрдамлар қисқартирилишига қарши норозиликлар давом этаётганига қарамай, Федерал ва штатлар даражасида қабул қилинган 40 мингдан ортиқ қонунларнинг аксарияти ижтимоий лойиҳаларни қисқартиришни кўзда тутаяпти. Европа Иттифоқи давлатларидаги вазият эса бунданда абгор. Йилнинг биринчи чорагида ишсизлик миқдори ошиб, унинг кўрсаткичи 10 фоизга етди. Кузатувчиларнинг фикрича, тезкор чоралар кўрилмаса, глобал миқёсдаги инқирознинг навбатдаги тўққини бошланиши ҳеч гап эмас. Халқаро валю-


БМТ МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚАРАГАНДА, ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ БҲҲРОН ТУФАЙЛИ ДУНЁНИНГ 54 ТА МАМЛАКАТИДА АҲОЛИ 1990 ЙИЛГА НИСБАТАН КАМБАҒАЛЛАШГАН. ЙИГИРМАДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ОЧЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕҚМОҚДА. 34 МАМЛАКАТДА ЎРТАЧА УМР КҮРИШ ДАРАЖАСИ ПАСАЙГАН. 12 МАМЛАКАТДА ЭСА БОЛАЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИГА ҚАТНАШ КҮРСАТКИЧИ КАМАЙГАН. ХАТТО АҚШДА ЎРТА СИНФГА МАНСУБ АҲОЛИ СОНИ КАМАЙИБ БОРАЁТИР.

та жамғармаси ва Жаҳон банки сингари йирик молиявий ташкилотлар инқироз домидаги давлатларга ботқоқдан чиқишнинг бирдан-бир йўли ижтимоий ёрдамлар миқдорини камайтиришда, деб билмоқда. Бироқ бу тақдир дунёнинг аксарият давлатларида кескин қаршиликка учраётган.

Айтиш жоизки, глобал тангликдан энг кўп азият чеқкан Европа Иттифоқи давлатлари бўлиб, 2011 йили еврозонада содир бўлган танглик бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Европа молиявий инқирози 2012 йилда ҳам давом этади. Афсуски, ўтган йили гап фақат алоҳида мамлакатларнинг қарзлари тўғрисида кетган бўлса, энди евро ягона Европа валютаси сифатида қасқаниб қолади-ми ёки йўқми, деган масала кун тартибига қўйилганидан кўринади.

Агар воқеалар ривожини таҳлил этсак, бу иттифокдаги заиф халқлар сафидан 2011 йил баҳоридан Португалия пайдо бўлганини кўрамиз. Хуллас, Португалиядаги аҳвол Греция ва Ирландияда бундан бир неча ой бурун рўй берган иқтисодий инқироз сценарийси бўйича давом этади. Юзага келган муаммони ҳал қилишга уринишда ҳам бир хил "рецепт" қўлланилди: бюроселли "шифокорлар" Лиссабонга давлат бюджетини қатъий иқтисод қилиш шарти билан уч йилга 78 миллиард евро миқдоридан имтиёзли кредит ажратилди. Бироқ молиявий инқирознинг биринчи қурбонлари билан рўй бергани каби, бу кўмак вақтинчалик жон сақлаш учунгина эканлиги сезилиб турарди. Зеро, "хасталик"нинг асл илдизи, яъни рецессияга ўтган иқтисодий стагнация, улкан миқдорда йиғилиб қолган давлат қарзи, миллий активларнинг оширилган баҳосини бартараф этиш йўлида жиддий чора-тадбирлар кўрилмапти ҳисоб.

Тўғри, Европа молия бозорида нисбатан сокин кечган даврлар ҳам бўлди. Бироқ 2012 йил бошидан бери вазият яна ўзгарди: бу сафар еврозонанинг йирик давлатларидан бири бўлган Италиянинг ўз мажбуриятларини адо этиши хавф остида қолган эди. Ҳар қалай, Европа Иттифоқининг тўлақонли кўмак бериш хусусидаги ваъдасидан кейин мамлакатни жар ёқасидан қайтариб олиш имконияти туғилди. Сильвио Берлусконни ҳукумати истеъфого чиқиб, унинг ўрнини иқтисодчи Марио Монти эгаллагани ҳам ўз самараси-



ни кўрсатмасдан қолмади.

Хуллас, евронинг, Европа Иттифоқининг келажаги хусусида мишмишлар, тахминлар, башоратлар кўпайиб бормоқда.

Тўғри, 2011 йилни бир амаллаб дефолтсиз якунлашга эришилди. Бироқ мутахассислар Грециядаги вазиятнинг шунга яқинлигини, еврозонада валютани мустаҳкамлаш учун кўрилатган чора-тадбирларни эса вақтинчалик, деб ҳисоблашмоқда.

Хўш, европаликлар оғир молиявий тангликни енгиб ўта оладиларми? Евро худудда умумий валюта сифатида ўз мавқеини сақлаб қолади-ми? Шубҳасиз, бу саволларга 2012 йили жавоб қайтарилади. Бироқ машҳур HSBC банкининг «Дунё 2050 йилда» деб номланган маърузасидаги Европа давлатларида кейинги бир неча ўн йилликда иқтисодий ўсиш пасайиб бориши борасидаги башоратларга қўлоқ тутсак, вазият қанчалар мураккаблигини кўрсатади.

Ана шундай қийин вазиятда таҳлилчилар яна АҚШ ва Хитой савдо ҳамкорлигини ривожлантириш даражасида чора қўриш лозимлигини таъкидлай бошладилар. Маълумки, АҚШ ва Хитой савдо ҳамкорлиги жуда содда кўринишга эга: Хитой ишлаб чиқаради, АҚШ эса сотиб олади. Пекин шу йўл билан Америка иқтисодига қайта сармоа киритади ва бу билан америкалик истеъмолчиларни Хитой маҳсулотларини янада кўпроқ сотиб олишга ундайверади.

Шу тариқа ўзаро манфаатли ҳамкорлик жуда узок йиллардан буён давом этмоқда. Биргина 2002-2006 йилларда икки давлат ўртасидаги савдо ҳамкорлиги дунё иқтисодидаги ўсиш даражасининг 60 фоизини ташкил этди. Хитойнинг экспорти ҳажми йилига 35 фоиздан ўсиб борди; мамлакат йиллик иқтисодий ўсиши эса 10 фоиздан ошди. Оқибатда, ҳар йили камбағаллик ботқоқидан чиққан хитойликлар сони жуда катта рақамларни ташкил қила бошлади. Бу эса АҚШга охири йўқ истеъмол маҳсулотлари оқими йўналтирилди, деганидир. Натيجида Европа маҳсулотлари нархининг ярмига тенг бўлган бу моллар Америка истеъмолчисининг асосий харид объектига айланган. Кундан кунга кўпаяётган Хитой фабрикалари дунёнинг қолган давлатлари бозорини ҳам арзон маҳсулотлар билан тўлдиряпти. Бу маҳсулотлар оқими кенгайган сари гар-

блик хариддорларнинг ҳам иштахаси очилмоқда. Бу эса Гарб хариддорининг банкдан олаётган қарзи ҳам ўсаётганини англади. Бу жараён токи хариддорда қарзни қайтариш имконияти биттунча давом этиши мумкин.

Вашингтондаги "MBG" ахборот-таҳлил маркази иқтисодчиси Шарл Мак Миллоннинг фикрича, АҚШ нинг 2011 йилги савдо дефицити 700 миллиард доллар атрофида бўлди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизини ташкил этади. Ўтган 8 йилда эса АҚШнинг савдо дефицити 5 триллион долларга етди. Маълумки, бу кўрсаткич америкалик истеъмолчининг хорижда тайёрланган озиқ-овқат ва хизматлар учун қанча пул сарфлаши-ю, ўзи неча пуллик маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишини ҳисоблаш асосида ҳисоб бўлади. Айрим мамлакатларда америкалик истеъмолчилар кунга 2 миллиард долларлик хориж маҳсулотини сотиб олаётганлари таъкидланапти. Бу АҚШда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қундалик экспортдан анча катта рақамдир. 2007 йилда АҚШда рецессия бошланишидан олдин ҳам кўпчилик иқтисодчилар айнан шу ҳолатдан ташвиш билдирган эдилар. Бугунги вазиятда эса оқибат аён — АҚШ уй-жой бозорида бошланган инқироз дунё молиявий ва иқтисодий тизимини тангликка олиб кирди.

Бу таназзул эса дунёнинг яна бошқа масалаларидаги глобал муаммоларни ҳам юзага келтирди. Ҳар йили ўртача 80 миллионга кўпайиб бораётган дунё аҳолиси энди ишсизлик, экология муҳитининг ёмонлашуви, зарарли чиқиндиларни йўқотиш муаммоси, эпидемия, ичимлик сувининг танқислиги, очлик, денгиз балиқчилигининг белгиланган меъёрдан ортиқ ривожланиши, дарахтзорларнинг камайиши, чўлла-иш ҳамда қайта тикланмайдиган ресурсларга нисбатан истеъмолнинг ортиб бориши каби муаммоларга дуч келмоқда. Иқтисодий-сиёсий бошқарув органи бўлган маҳаллий ҳукуматлар эса халқаро миграция, товарлар оқими, молиявий ҳолат ҳамда технология ўзгаришларни бошқаролмай қолдилар.

Шу маънода ҳам бугунги дунёнинг сиёсий манзараси турли хилдаги катта ва кичик сиёсий инқирозлар, иқтисодий бўҳронлар ва ҳарбий қуролли можаролар кўпайиб бораётгани билан изоҳланапти.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

Меркел партиясига ишончсизлик билдирилди

Германия канцлери Ангела Меркел партияси Шимолий Рейн-Вестфалиядаги минтақавий сайловларда жиддий мағлубиятга учради

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда на-сронийлик-демократик иттифоқи (НДИ) 26 фоиз атрофида овоз тўплаган. Социал-демократик партияси эса (СДП) 38 фоиз овоз йиғишга муваффақ бўлган. Социал-демократлар билан иттифоққа кирган яшилларга эса 12 фоиз сайловчи хайрихоҳ эканини билдирган. Эркин-демократик партияси 8,5 фоиз овоз тўплаган.

Мутахассисларнинг фикрича, сайловчиларга Меркелнинг солиқ тартиби борасидаги сиёсати маъқул келмаган. Аммо канцлер буни давлат бюджети харажатларини қисқартиришнинг самарали йўли, деб ҳисобламоқда.

Олланд энди партиясиз

Франция президенти лавозимига сайланган Франсуа Олланд уни шу олий минбарга олиб чиққан Социалистик партия билан хайрлашди

Олланд социалист эканини ва шундай бўлиб қолишини, бироқ партия ишларида иштирок этмаслигини маълум қилди. «Мен ҳеч қандай партия органлари ишида қатнашмайман ва Елисей саройида парламент аъзолари фракциясининг кўпчилигини қабул қилмайман», дея таъкидлаган.

Олланд сайловлардаги кўмак учун ўз тарафдорларига миннатдорлик билдирар экан, мохиятан парламент сайловларига старт берди.

Грецияга ЕИ ёрдам беради, фақат...

Бугун Брюсселда Евроиттифоқнинг Афинага қарши кескин чоралар кўришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди

Таҳлилчиларнинг фикрича, Грециянинг Еврохудуддан чиқиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ҳақдаги келишувлар ҳозирча ЕИ юқори лавозимдаги шахслари ўртасида олиб борилмади. Европалик мутахассисларнинг фикрича, агар Греция кредиторлар «учлиги» шартларига мувофиқ ҳукумат тузмас экан, ЕИдан 1 млрд. еврога тенг бўлган иккинчи ёрдамни ололмайд.

Мамлакат парламентиға бўлиб ўтган сайловларда кредит келишувларини қайта кўриб чиқиш ва инқирозга қарши чораларни юмшатишни талаб этаётган сўл партия позицияси сезиларли даражада кучайди. Агар Бош вазир лавозимда сўл радикаллар етакчиси Алексис Ципрас қолар экан, Грециянинг кредиторлар билан муносабати кескинлашиб бораверади.

Хорижликлар қаттиқ назоратга олинади

Пекин ҳукуқ-тартибот идоралари хорижлик фуқаролар ташрифларини қаттиқ назоратга олишга қарор қилди

Пойтахт хавфсизлик бошқармаси баёнотиға кўра, 15 майдан бошлаб август ойининг охирига қадар ҳуқуқ-тартибот органлари пойтахтга кириб келаётган хорижликларни қаттиқ текширувдан ўтказди.

Қарорда, шунингдек, Пекинда ноконуний яшаётган чет элликларга ҳам тегишли чоралар кўриш белгиланган. Ушбу чора-тадбирлар мажмуи мўҳим яшаш жойи ва даромадга эга бўлмаган хорижликлар томонидан содир этилаётган жиноятларга қарши кураш билан боғлиқлиги изоҳланмоқда.

Расмий маълумотларға кўра, ҳозир Хитойда 200 минг чет эл фуқаролари бўлиб, улардан 120 минг нафари шаҳарда доимий истиқомат қилади.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

XXI ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА
ДАВОМЛАШТИРИЛГАН

Муҳим вақтларда (10-11) 215-88-80.
Хизмат кўрсатиш вақти: 10-11.15-18.00.
Телефон: 215-88-80. Факс: 215-88-80.

Ишбилармон, маърифат ва ҳаётга ҳавас қилувчи, ақли рағбатли, тадбиркор ва ҳушyor бир кishi минг-минглаб тадбирсиз тоғайд кishилардан yaxshidir.

